

الحكم تقود إلى السعادة

(الجزء الخامس عشر)

تأليف:

أنور أحد

«Ҳикматлар – саодатга етаклар»

(Ўн бешинчи китоб)

Тузувчи ва таржимон:

Анвар Аҳмад

Тошкент:

2017 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ТАҚДИМ

Ўзининг илоҳий ҳикмати ила инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа махлуқотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни ваҳий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳақим Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳақим Зотнинг энг ҳақим бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳақими, севиқли Расулимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададича салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилан ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз кўли билан яратиб, унга Ўз ҳузуридан руҳ пуфлаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа махлуқотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсули эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳақим дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналик», «хукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қилади: «Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқирликдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳақимларнинг кўплари ҳикматга қуйидагича таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-ҳолатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи қўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳақимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Лукмон Ҳақим ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Лукмон Ҳақим ҳақида шундай дейди:

«Батаҳқиқ, Биз Лукмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким куфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ғаний ва мақтовга сазовор Зотдир» (Лукмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Лукмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳақимлигини мақташи, айрим ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Қуръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб кўйган:

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик» (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўзлари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Ғаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳақим деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермахсул ҳаёт кечиршига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиладаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хулосасини тақдим қилади.

Бир ҳақимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳақим: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хулосаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татиғулик умр бахш эта олувчи китоблар ичида энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зеро, айрим ҳикматлар бутун бир инсон умрининг хулосаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, халқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиш бошқа халқларга қараганда анча юқори

даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаган устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, www.arabic.uz сайтнинг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида мунтазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлардан илҳомланган мухтарам таржимонимиз интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Қўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиш учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аримайдиган энг вафодор дўстдир, суҳбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-қувватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга махсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуйидаги интернет саҳифаларидан олинганини айтади:

- (1) ثقّف نفسك
- (2) كلام من القلب
- (3) خذ الحكمة
- (4) بستان الحكماء
- (5) ثقافة حول العالم
- (6) الموسوعة بوك
- (7) ثقافة وعلوم
- (8) حكمة اليوم
- (9) طريق الجنة
- (10) أقوال أعجبتني
- (11) كنوز من الحكمة

12) ذكر الله

13) عذب الكلام

14) عالم الثقافة والمعرفة

Ҳикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчида таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хулоса шаклида таржима қиладиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида ҳусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Мухтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оилавий бахт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «**Ҳикматлар – саодатга етаклар**» "الحكم – تعود إلى السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришларида Ўзи мададкор бўлсин.




3115. Тилинг гўё бир йиртқич ваҳшийдир. Уни боғлаб қўйсанг, сени кўриқлайди, бўш қўйсанг, ўзингни ҳалок қилади. Тилингни мол-мулкингни сақлагандек сақлагин, болангни танигандек танигин, сарфлаётган пулингга ҳушёр бўлганингдек унга ҳушёр бўл. Доимо ўйлаб гапир, тилингга эҳтиёт бўл, чунки минг тангани ноўрин сарфлаб қўйиш бир оғиз ноҳақ сўз айтиб қўйишдан енгилроқдир.

«Унванул байаан» китобидан




3116. Баъзан азоб кечикиб, умрингнинг сўнги лаҳзаларида ҳам келиши мумкин.

Ёшликдаги гуноҳлар учун кексайганда тойилиш
накадар ёмон!



3117. Тажрибалар китобдан ўқилмайди. Лекин
китоб тажрибадан фойдаланишда ёрдам беради.
Аббос Аққод



3118. Аввало мақсадингни амалга ошириш
мумкинлигига ишонч ҳосил қилишинг керак. Ўзинг
шу нарсага ишонсанг, ақлинг ҳам уни амалга

ошириш воситаларини қидиради. Агар
иккиланаверсанг, у сени енгиб қўяди.



3119. Ёд олинган нарса илм эмас, манфаат берган нарса илмдир.

Имом Шофеъий



3120. Гапингни далил-ҳужжатингни ифодалайдиган, эҳтиёжингга етадиган даражада қисқа қил. Ортиқча гапдан сақлан, чунки у оёқни

тойдириб, пушаймонлик келтиради. Ғазабни ўчириш учун сукутдан ёрдам сўра.

«Унванул байаан» китобидан



د أحمد عيسى المعصراوي

همك أصغر بكثير
من هم من ينتظر جرعة الكيماوي
وأصغر من هم من يستعد صباحا
لغسل كليتيه
لا تنسيك همومك نعمة الصحة التي
ملأت بدنك
الحمد لله دوما

3121. Ғам-ғуссаларинг ниҳоятда арзимас нарса. Кимлардир саратон касалини даволаш учун кимёвий заҳар олишга, кимлардир қонини сунъий буйрак тизими билан ювишга мажбур. Ғам-ташвишларинг соғлик неъматини унуттириб қўймасин.

Аллоҳга ҳамиша ҳамдлар бўлсин!



3122. Кўпчилик ҳақ ишни мақтайди-ю, ботил ишни қилаверади.




3123. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сўнг бир фитна бўлиб, у кирмаган бирорта ҳам араб хонадони қолмайди», деганлар.

Имом Бухорий ривояти

Қиёматнинг кичик аломатларидан бири шуки, бугунги кунда мусулмонлар хонадонига телевидение ва интернет орқали турли фитналар, йўлдан оздирувчи нарсалар кириб боряпти, фикрий хуружлар бўляпти, рибо кенг тарқалиб, у кирмаган хонадон қолмаяпти.



3124. Мен ёмонликни у ёмон бўлгани учун эмас, балки ундан сақланиш учун билиб олдим. Ким ёмонликни яхшиликдан ажратиб, таниб олмаса, унга йўлиқиб қолади.



3125. Ким бу дунёнинг оқибати ҳақида фикр юритса, эҳтиёт чорасини кўриб яшайди. Ким бу йўлнинг узун эканига ишонса, сафар тадоригини кўриб яшайди.



3126. Никоҳ ўқилгандан кейин келин-куёвларга «Баарокаллоҳу лака (лакумаа)» ёки «Баарокаллоҳу ʔалайка ва жамаʔа байнакумаа фий хойр» («Аллоҳ сенга (сизларга) баракот берсин» ёки «Аллоҳ сизга барака берсин ва ораларингизни яхшиликда жамласин») дейиш суннатдир.

Уларнинг ҳар бирига «Баарокаллоҳу ликулли вааҳидим минкумаа фий соҳибихи ва жамаʔа байнакумаа фий хойр» (Аллоҳ ҳар бирингизга баракот берсин, ораларингизни яхшиликда жамласин) дейиш мустаҳабдир.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳунинг уйланганини айтишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Баарокаллоҳу лак» (Аллоҳ сенга барака берсин), дедилар.

Имом Бухорий ва Муслим ривояти

Саҳиҳ ривоятда келтирилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Жобир розияллоҳу анҳунинг уйлангани айтилганда **«Баарокаллоҳу ьалайка»** (*Аллоҳ сени баракотли қилсин*), деганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бирор киши уйланса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Баарокаллоҳу лак, ва баарока ьалайк, ва жамаъа байнакумаа фий хойр»** (*Аллоҳ сенга баракот берсин, сени баракотли қилсин ва ораларингизни яхшиликда жамласин*) дер эдилар.

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можалар ривояти.

في كل الوظائف
الموظف جالس والمستفيد
واقف !

إلا المعلم

فهو واقف والمستفيد جالس !

شكراً من الأعماق لكل معلم
ومعلمة

3127. Барча касбларда мансабдор одам ўтиради, унинг қўл остидаги одам тик туради. Аммо фақат

Ўқитувчиларгина тик туриб дарс ўтадилар, ўқувчилар эса ўтириб эшитишади.

Барча муаллим ва муаллималарга чин қалбдан раҳматлар айтамыз!



3128. Бир солиҳ зот шундай деган экан: «Жоҳил ўзининг қадрини билмайди-ку, қандай қилиб бошқаларнинг қадрини билсин?»



3129. Қуръоний хулқлар:

1. Содиқлик ва ростгўйлик.

«Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва (иймонида) содиқ бўлган зотлар билан бирга бўлинглар!» (Тавба сураси, 119-оят)

2. Омонатдорлик.

«Аллоҳ сизларни омонатларни ўз эгасига топширишга, одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради» (Нисо сураси, 58-оят)

3. Тавозуълик.

«Ўзингизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паст тутинг (яъни уларга хуш хулқ билан камтарона муомалада бўлинг)!» (Шуаро сураси, 215-оят)

4. Афв.

«Уларни афв этиб, кечириб юбораверинг. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади»
(Моида сураси, 13-оят)

5. Мулойимлик.

«Фиръавннинг олдига боринглар, чунки у (ўзини илоҳ деб) ҳаддидан ошди. Унга юмшоқ гапиринглар, шояд панд-насихат олса ёки (Менинг қаҳримдан) кўрқса» *(Тоҳа сураси, 43-44-оятлар)*

6. Шукр.

«Ва Роббингиз сизга: «Қасамки, шукр қилсангиз, албатта зиёда қилурман. Куфр келтирсангиз, Менинг азобим шиддатлидир», деб билдирганини эсланг» *(Иброҳим сураси, 7-оят)*

7. Сабр қилиш.

«Эй иймон келтирганлар! Сабр қилинглари. Сабр билан ғолиб келинглари» *(Оли имрон сураси, 200-оят)*

8. Истиқоматда бўлиш.

«Сен ва сен билан бирга тавба қилганлар мустақим туринглар, туғёнга кетманглар. Чунки У Зот нима қилаётганингизни кўриб турадир»
(Худ сураси, 112-оят)

9. Раҳмдиллик.

«Улар (яъни ота-она) учун меҳрибонлик билан хорлик қанотингни паст тут, хокисор бўл ва: «Роббим, (улар) мени гўдаклик чоғимдан тарбиялаб ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», дегин!

10. Софдиллик.

«Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: «Роббимиз! Бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган биродарларимизни

мағфират қилгин, қалбларимизда иймон келтирган зотларга нисбатан ғашлик пайдо қилмагин. **Роббимиз! Сен Меҳрибонсан, Раҳмлисан»** (Ҳашр сураси, 10-оят)

11. Ҳаё.

«Аллоҳ уни кўриб туришини билмайдими?!» (Алақ сураси, 14-оят).



3130. Оқилнинг ҳаққи яқинларидан насиҳатни аямаслиги, насабдор қариндошидан сирни яширишидир. Маҳмадонанинг дарди – аҳмоқликдир, бу дарднинг давоси эса кам гапиришдир. Ҳар нарсадан шубҳаланиб, саросимага тушавериш уятдир, ғийбат эса жаҳаннамнинг оловидир.

«Унванул байаан» китобидан



3131. Никоҳ ўқилгач, висол кечаси куёвнинг келинга айтадиган дуоси

Келинга илк бор яқинлашиб, унинг пешонасига қўлни қўйиб, «**Баарокаллоҳу ликулли вааҳидим миннаа фий соҳибих**» (Аллоҳ бизни бир-биримизга баракотли қилсин) дейиш маҳбуб амалдир.

عَنْ الشَّافِعِيِّ رَضِيَ اللهُ تَعَالَى عَنْهُ :

مَنْ لَا يُحِبُّ الْعِلْمَ لَا خَيْرَ فِيهِ فَلَا يَكُنْ

بَيْنَكَ وَبَيْنَهُ مَعْرِفَةٌ وَلَا صِدَاقَةٌ، فَإِنَّهُ حَيَاةٌ

الْقُلُوبِ وَمُضْبَاحُ الْبَصَائِرِ. الإقناع للشريفي

3132. Имом Шофеъий роҳимахуллоҳдан нақл қилинади:

«Ким илмни яхши кўрмаса, унда яхшилик йўқдир. Шундай экан, илмни севмайдиган одам билан сенинг орангда таниш-билишлик ҳам, дўстона

муносабат ҳам бўлмасин. Зеро, илм – қалбнинг ҳаёти, қалб кўзининг чироғидир».



3133. Бахтиёрлик ва бадбахтлик бир танганинг икки томонидир, ҳаётда ҳар иккиси ҳам учраб туради.



3134. АҚШда эркак билан эркакнинг ҳамда аёл билан аёлнинг турмуш қуришига рухсат берилди.

Аллоҳ юртимизни бундай жирканч балодан асрасин!

Юқоридаги суратда сиз кўриб турган турли ранглар мажмуаси ғайритабиий жинсий ҳаётнинг рамзий белгилари экан. Бозорларда, дўконларда мана

шундай рангли кийимлар сотилаётганига кўзингиз тушиши мумкин. Бундан хабари йўқ одамлар уларни сотиб олаётган бўлишлари ҳам мумкин.



3135. Ихтилофи кўп одамнинг ғийбати ҳам кўп бўлади (яъни ҳадеб талашиб-тортишаверадиган одамни кўп ғийбат қилишади). Ҳазили кўпайган сайин кишининг ҳайбати кетиб боради. Сирини очган одамнинг иши издан чиқади.

«Унваанул байаан» китобидан



3136. Амр ибн Шуъайб отасидан, отаси ўзининг отасидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бирортангиз уйланса ёки хизматкор ёлласа, «Аллоҳумма, инний ас'алука хойроҳаа ва хойро маа жабалтаҳаа Ъалайҳ. Ва аъуузу бика мин шарриҳаа ва шарри маа жабалтаҳаа Ъалайҳ» (Аллоҳим, мен Сендан унинг яхшилигини ва унда яратган нарсангнинг яхшилигини сўрайман. Унинг ёмонлигидан ва унда яратган нарсангнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман) десин».

Абу Довуд, Ибн Можжа ва Ибн Суннийлар ривояти.

Бошқа бир ривоятда «Сўнгра хотини ёки хизматкорнинг пешонасидан ушлаб, барака тилаб дуо қилсин», дейилган.

Масалан, туя сотиб олган одам ўша туянинг ўрқачининг чўққисидан ушласин-да, юқоридаги дуони ўқисин.



3137. Бидъатлар ҳавои нафсинг шариатдан илгарилаб кетишидан юзага келади. Шунинг учун бидъат аҳлини ҳавои нафсига эргашганлар деб аташади.



3138. Қанчадан-қанча тавозели жоҳиллар борки, тавозеси жоҳиллигини яшириб турган. Қанчадан-қанча димоғдор аҳли илмлар борки, такаббурлик уларнинг фазилатини барбод қилган.

Тирик экансан, такаббурликни ташла ва ундай кишилар билан ўртоқ бўлма. Йигитнинг такаббур бўлиши айбдир, чунки бу разолатдир.



3139. Инсон зикрларни, турли химоя дуоларини айтса ҳам фойда бермаслиги, озор чекиши мумкин. Чунки у ўша зикр ва дуоларни айтаётганда ишончсиз, ихлоссиз бўлади, бу дуо-зикрларнинг маъносини билмай айтади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шунга ишонган ҳолда айтса», деганлар.



3140. Кўп тинглаш фойда келтиради. Ёмон гап чиройли ҳолатга айб етказди. Кўп савол малол келтиради.

«Унваанул байаан» китобидан



3141. Яқинликдан олдин айтиладиган зикрлар
Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Бирингиз жуфти ҳалолининг хузурига келиб, «Бисмиллаҳ. Аллоҳумма, жаннибнаш-шайтона ва жаннибиш-шайтона маа розақтанаа»** (Аллоҳнинг исми билан. Аллоҳим! Бизни шайтондан, шайтонни эса Сен бизга насиб қиладиган фарзандимиздан йироқ қилгин) **деса, сўнг ўрталарида бола бўлиб қолса, (шайтон) унга зарар етказа олмайди».**

Имом Бухорий ва Муслим ривояти

Бухорийнинг *ривояти*да «**шайтон асло зарар бера олмайди**» деб, «шайтон» лафзи билан келган.

Жуфти ҳалоли билан ҳазил-мутойиба қилиш, латиф иборалар билан муомалада бўлиш

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Бокирага уйландингми, жувонгами?»** дедилар. **«Жувонга»**, дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бокирага уйланмабсан-да, бир-бирингиз билан ўйнашар эдинглар»**, дедилар.

Имом Бухорий ва Муслим ривояти

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Мўминларнинг иймони энг мукаммали, хулқи энг яхшилари – аҳлу аёлига хушмуомала бўлганларидир»**, дедилар.

Термизий ва Насайлар ривояти.

Жуфти ҳалолининг қариндошлари билан муомала одоби

Билингки, эркак киши хотинининг қариндошларидан бирортасига ўз хотини билан яқинлик қилиш, ўпиш, қучоқлаш ва шу каби ҳолатларни ифода қилувчи лафзлар айтмайди.

Али розияллоҳу анҳу айтдилар: «Мен сермазий одам эдим. Қизлари менинг никоҳимда бўлгани учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу ҳақда сўрашга уялиб, буни Миқдодга буюрдим. У бу ҳақда сўраб берди».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти

Тўлғоқ тутганда ва туғруқ пайтида айтиладиган дуолар

Фотима розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Ой-куним яқинлашганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Салама ва Зайнаб бинт Жаҳш розияллоҳу анҳоларга менинг ҳузуримда «Оятул курси» ва Аъроф сурасининг 54-оятини ҳамда иккита «Қул аъуuzu»ни ўқишни буюрдилар.

Ибн Сунний ривояти

Чақалоқнинг қулоғига азон айтиш

Абу Рофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Фотима розияллоҳу анҳо кўз ёрганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (набиралари) Ҳусайн ибн Алининг қулоғига намоздаги азонни айтдилар».

Абу Довуд ва Термизийлар ривояти.

Уламолар: «Боланинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқома (такбир) айтиш маҳбуб амалдир», деганлар.

Ҳусайн ибн Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бола туғилганда унинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқома (такбир) айтилса, унга жодугар зарар бера олмайди», дедилар».

Ибн Сунний ривояти

Ёш боланинг танглайини кўтараяётгандаги дуо:

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига чақалоқ олиб келинса, дуо қилиб, танглайига хурмо қўйиб қўярдилар».

Абу Довуд ривояти

Бошқа бир ривоятда «Барака тилаб дуо қилардилар», дейилган.

Асмо бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Маккада Абдуллоҳ ибн Зубайрга ҳомиладор бўлдим. Мадинага келиб, Қубода тўхтадик. Ўша ерда кўз ёрдим. Сўнгра уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордим. У зот уни тиззаларига қўйдилар, хурмо опкелтириб, чайнаб, унинг оғзига туфлаб қўйдилар. Боланинг қорнига биринчи кирган нарса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак тупуклари бўлди. Сўнгра у зот хурмони танглайининг тагига қўйиб, унга барака тилаб дуо қилдилар».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти

Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ўғиллик бўлиб, уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордим. У зот унга Иброҳим деб исм қўйдилар, танглайига хурмо қўйиб, барака тилаб дуо қилдилар».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти

Муслимнинг ривоятларида «... унга барака тилаб дуо қилдилар», деган лафз йўқ.

Чақалоққа исм қўйиш

Туғилган болага туғилган куни ёки еттинчи куни исм қўйиш суннатдир.

Амр ибн Шуъайб розияллоҳу анҳудан, у зот отасидан, отаси эса бобосидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам болага еттинчи куни исм қўйишга, турли азият берувчи нарсаларни кетказишга (киндигини, сочини олиш, чўмилтиришга) ҳамда жонлиқ сўйишга буюрдилар».

Имом Термизий ривояти.

Самура ибн Жундуб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ҳар бир бола туғилганда еттинчи куни жонлиқ сўйиб ақиқа қилинишига, сочи олдирилишига ва исм қўйилишига гаровдир»** (яъни булар ота-онанинг бурчидир).

Абу Довуд, Термизий, Насаий ва Ибн Можалар ривояти.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир куни ўғиллик бўлдим. Унга бобомиз Иброҳим алайҳиссаломнинг исмларини қўйдим»**, дедилар.

Имом Муслим ривояти

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Отам Талха ўғиллик бўлганида мен уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордим. У зот унинг танглайини кўтариб, хурмо қўйиб қўйдилар ва исмини Абдуллоҳ деб қўйдилар».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти

Саҳл ибн Саъд ас-Саъидий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Мунзир ибн Абу Усайд ёш болалигида уни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларига олиб келишди. У зот болани тиззаларига ўтқаздилар. Отаси Абу Усайд шу ерда ўтирган эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам нимагадир чалғиб, олдиларидаги болани унутиб қўйдилар. Шунда Абу Усайд ишора қилган эди, болани Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг тиззаларидан кўтариб олишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам «**Бола қани?**» дедилар. Отаси: «Эй Расулуллоҳ, биз уни (уйига) қайтариб юбордик», деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Унинг исми нима?**» дедилар. «Фалончи», дейишди. Шунда у зот: «**Йўқ! Унинг исми Мунзир**», дедилар. Шу кундан бошлаб унинг исми Мунзир бўлиб қолди».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти

Чала туғилган болага исм қўйиш

Чала туғилган болага ҳам исм қўйиш маҳбуб амалдир. Унинг ўғил ёки қизлиги билинмаса, Ҳинд, Унайда, Хорижа, Талҳа, Умайра ва Зуръа каби ўғил болага ҳам, қиз болага ҳам қўйиш мумкин бўлган исмлар қўйилади.

Имом Бағавий: «Ҳадисда ворид бўлгани учун чала туғилган болага исм қўйиш маҳбуб амалдир», деганлар.

Баъзилар: «Агар бола исм қўйилмасидан аввал вафот этса, унга исм қўйиб қўйиш маҳбуб амалдир», дейишган.

Чиройли исм қўйишнинг маҳбублиги

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қиёмат куни ўз исмингиз ва отангизнинг исми билан чақириласизлар. Шунинг учун исмларингизни чиройли қилинглар»**», дедилар.

Абу Довуд «Сунан» китобларида ривоят қилганлар.

Аллоҳ азза ва жаллага маҳбуб бўлган исмлар

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ азза ва жаллага энг маҳбуб исм Абдуллоҳ ва Абдуррахмондир»**», дедилар.

Имом Муслим ривояти

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Биздан бир киши ўғил кўриб, унга Қосим деб исм қўйди. «Биз сени Абулқосим (Қосимнинг отаси) деб куняламаймиз, сенинг шаънинг улуғ эмас-ку», дедик. У буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ўғлингга Абдуррахмон деб исм қўй»**», дедилар.

Имом Бухорий ва Муслим ривояти

Абу Вуҳайб Жушамий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«(Фарзандларингизга) пайғамбарларнинг**

исмини қўйинглар. Аллоҳ таолога энг махбуб исмлар Абдуллоҳ ва Абдуррахмондир. Энг содиқ исмлар Ҳорис (касб қилувчи) ва Ҳаммам (аҳамият берувчи), исмларнинг энг хуноги Ҳарб (уруш) ва Муррадир (аччиқ)».

Абу Довуд ва Насайлар ривояти.

احد المصريين من الذين كانوا في حادث_منى وكتب الله له النجاة يحكي:
ان التصادم ظل اكثر من ساعة لدرجة ان بعض الاشخاص ماتوا واقفين ولا يقدر احد ان يفعل لهم شيء..
يقول انه لم يستوعب الاحاديث الواردة في أهوال يوم القيامة (مع فارق التشبيه) إلا عندما عاش هذا الحادث..
فبعد مدة من التصادم والاختناق والتدافع بدأت ملابس الاحرام بالسقوط من على الرجال ليصبح بعضهم عاري تماما إلا ان هول الموقف لا يدع أحد ينظر لعورة الآخر و ذلك مثل ما اخبرنا رسول الله صلى الله عليه وسلم عن أهوال يوم القيامة..
ويحكي هذا الحاج انه كان يقف على الارض ويشعر بالجثث تحت اقدامه وبعد مرور وقت شعر بشيء يقرضه في رجله ولم يدري ما هذا الشيء!!.. وتكرر الأمر ليعلم ان احدى السيدات ممن هم تحت اقدام لازل بها الروح وتعضه في قدمه لتبلغه انها لازالت حية لينقذها ولكن للاسف لم يتمكن ان يفعل لها شيء (نفسى نفسى) وتذكر قول الله تعالى "يوم يفر المرء من أخيه وأمه وأبيه وصاحبته وبنيه لكل امرئ منهم يومئذ شأن يغنيه" فيقول لو كانت أمي هي التي تحتي ما استطعت ان افعل لها شيء..
وفي النهاية كتب الله له النجاة ليروي لنا جزء من الأهوال التي عاشها في حادث مدته ساعة!!
فما بالكم بيوم مقداره خمسين ألف سنة؟!
لعلها تكون عظة لنا جميعا..
اللهم تقبل عندك الحجيج جميعا وهون علينا أهوال الدنيا والاخرة ولا تبتلينا فإننا ضعفاء..
يا رب سلم سلم

3142. Ҳаж мавсумида Мино водийсида фалокат юз берди – икки томондан келаётган минглаб ҳожилар бир-бирига тўқнашиб кетиб, тикилинчда жуда кўп одам ҳалок бўлди. Ўша воқеада омон қолган бир мисрлик ҳожи ҳикоя қилади:

«Тўқнашув бир соатлар чамаси давом этди. Баъзи одамлар тек турган ҳолида ҳам вафот топди. Ҳеч ким ҳеч нарса қила олмай қолди. Бу даҳшатли ҳодисага гувоҳ бўлган одам Қиёмат кунидаги кўрқинчларни бироз ҳис қилган бўлса керак. Тикилинч, ур-тўполон бироз кучайгач, издиҳомда ҳожиларнинг эҳромлари ечилиб, тушиб қола бошлади. Баъзилари батамом яланғоч бўлиб қолишди. Аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисда Қиёматнинг кўриниши хабар берганларидек, бирор одам бошқасининг авратига қарайдиган аҳвол эмас эди.

Мен бир амаллаб чеккароқда турардим, оёғим остида кимларнингдир жуссалар бор эди. Бир пайт кимдир оёғимни тишлади. Аммо даҳшатдан аввалига бунинг нималигини сезмадим ҳам. Бу ҳолат бир неча бор такрорлангач, қарасам, оёғим остида қолган бир аёл тириклигини билдириб, ёрдам сўраш учун оёғимни тишлаётган экан. Лекин минг афсуслар бўлсинки, унга бирор ёрдам беришга мажолим йўқ эди. Жоним ҳалқумимга келиб қолган, кўзимга ҳеч нарса кўринмасди.

Ўша кунни эсласам, Аллоҳ таолонинг ушбу ояти тилимга келади:

«У Кунда киши ўз оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотини-ю, бола-чақасидан ҳам қочур! (Чунки) улардан ҳар бир киши учун у

Кунда ўзига етарли ташвиш бўлур!» (Абаса сураси, 34-37-оятлар).


Аллоҳ асрасин, демак, ўша аёлнинг ўрнида онам бўлса ҳам, қўлимдан ҳеч нарса келмас экан».

Қарангки, ўша мисрлик ҳожи бизга Қиёмат ҳодисаларини ҳикоя қилиши учун Аллоҳ унга нажот берибди. Бир неча соат давом этган бу дунёнинг издиҳоми шундай бўлса, бир куни эллик минг йил бўлган Қиёмат куни қандай бўлар экан?

Шояд бу воқеа барчамиз учун ваъз-насихат бўлса!

Аллоҳим! Барча ҳожиларнинг ибодатларини қабул қил. Барчамизга дунё ва охираат машаққатларини енгил қил. Бизларни балога гирифтор қилма, биз заифмиз.

Ё Робб! Ўзинг омонда сақла!



3143. Ниятинг оқ, мусаффо бўлса, бу хали бошқалар ҳам уни худди шундай мусаффо кўради

дегани эмас. Баъзиларнинг кўзи оқдан бошқа ҳамма рангни кўради.



3144. Яхшиликка йўйиш қалб соғломлиги, нафс тозалиги ва рух мусаффолигининг белгисидир.



3145. Агар (маишур бўлиб кетиш, шуҳрат қозониш ҳолатининг зидди бўлган гариблик, тавозеъ, эътиборга олинмаслик каби феълларни ўзида

жамлаган) хумул сифатини мақтасам-у, гофил одамларда бу лаззатга рағбат уйғотиб қўйсам, улар бу сифатни қўлга киритишда мендан ўзиб кетишади. Хумул менга шундай ҳаёт лаззатини бахш этиб турган экан, уни бошқаларга илинишим нимаси?!

Изоҳ: Хумул – кўп нарсаларга аралашмай, бир четда туриб етилиш даври.

«Унванул байаан» китобидан



3146. Табриклашнинг мустаҳаблиги ва табрикланган кишининг жавоби

Фарзанд кўрган кишини табриклаш маҳбуб амалдир. Бунга Хусайн розияллоху анҳудан қилинган ривоятдаги бир кишига ўргатилган жумлалар далилдир:

«Баарокаллоҳу лака фил мавҳуби лак ва шакартал вааҳиба ва балағо ашуддаху ва рузиқта бирруҳ» (Аллоҳ сенга ато этган нарсасини баракали қилсин. Берувчига шуқр қилишингни, фарзандинг вояга етишини ва итоатли бўлишини насиб этсин).

Табрикланган киши ҳам қуйидаги жумлалар билан жавоб қайтармоғи маҳбубдир:

«Баарокаллоҳу лака ва баарока ғалайка ва жазаакаллоҳу хойрон ва розақакаллоҳу мислаху ав ажзалаллоҳу саваабак» (Аллоҳ сенга барака берсин, сени баракотли қилсин, яхшиликлар билан мукофотлантириб, унинг мислича ризқлантирсин ёки савобингни тўлиқ қилсин).

Ёмон исмлар қўймаслик кераклиги ҳақида

Самура ибн Жундуб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Болаларингизга Ясор (осонлик), Рабоҳ (фойда), Нажоҳ (нажот топувчи), Афлах (муваффақият қозонувчи) деб исм қўйманглар. Шундай исм қўйиб, кейин «(Уйда) у борми?» дейсизлар. Агар у уйда бўлмаса, «Йўқ», дейишади. Булар тўрттадир. Менга бундан зиёда қилманглар».**

Имом Муслим ривояти

Абу Довуд Жобир розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Барака деб исм қўйишдан ҳам қайтарилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳнинг ҳузурдаги энг таҳқирланган исм**

Мааликул амлаак (барча мулкларнинг подшохи) деган исмдир», дедилар.

Имом Бухорий ривояти

Имом Муслимнинг ривоятларида: **«Қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида ғазабга энг кўп дучор бўладиган одам Маликул амлаак исмли одамдир. Аллоҳдан бошқа подшоҳ йўқ»**, дейилган.

Суфён ибн Уяйна розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда **«Маликул амлок – «шаҳаншоҳ» деган сўзнинг ўзидир»**, дейилган.

Фарзандига, хизматкорига, шогирди ва шу кабиларга одоб бериш учун уларни ёмон исм билан аташ

Абдуллоҳ ибн Буср ал-Мозиний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Онам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига мендан бир шингил узум бериб юбордилар. Мен эса у зотга етказишдан олдин ундан (озгина) еб қўйдим. У зотнинг ҳузурларига борсам, қулоғимдан ушладилар-да, **«Йаа ғудар»** (эй хиёнатчи), дедилар».

Ибн Сунний ривояти

Абдуррахмон ибн Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳунинг кароматлари ҳақидаги узун ҳадисда айтилишича, Сиддик розияллоҳу анҳуниқига бир жамоа меҳмон бўлиб келди. У зот уларни уйларига ўтказдилар-да, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи асалламнинг ҳузурларига жўнадилар, аммо бироз кечроқ қайтдилар. Келиб, меҳмонларга **«Овқатландингларми?»** деган эдилар, **«Йўқ»**,

дейишди. Шунда у киши ўғиллари Абдуррахмонга «Йаа ғунсар» (Эй пасткаш, бурнинг кесилсин), дедилар.

Имом Бухорий ва Муслим ривояти

Исми номаълум одамни чақириш

Исми номаълум одамни азият берилмайдиган иборалар билан чақириш керак. Бирок, бунда ёлғон ёки лаганбардорлик бўлмаслиги керак. Масалан, «хой ука», «эй фақиҳ», «эй фақир», «эй саййидим», «эй сен», «эй фалон кийим ёки кавуш кийган, эй от, туя минган, эй қилич, найза таққан» каби.

Ибн Хасосийядан, яъни Башир ибн Маъбад розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга кетаётган эдим. У зот у кавушини кийиб, қабрлар орасида кетаётган бир кишини кўриб қолдилар. Шунда «Эй кавуш кийган! Шўринг қургур, кавушингни еч...», дедилар.

Абу Довуд, Насайи ва Ибн Можалар ҳасан иснод билан қилган ривояти

Жориятул-Ансорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида бўлганимда у зот бирор кимнинг исмини эслай олмасалар, «Йаа ибна Абдуллоҳ» (Эй Аллоҳнинг бандасининг ўғли), дер эдилар».

Ибн Сунний ривояти

**Бола ва шогирд ҳамда ўқувчининг отаси, устози
ва шайхининг исмини айтиб чақиришдан
қайтарилгани хусусида**

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўғли билан кетаётган бир кишини кўриб, унинг ўғлига **«Бу ким?»** дедилар. Ҳалиги бола: **«Отам»**, деб жавоб берди. Шунда у зот: **«Отангдан олдин юрмагин. Унга қарши иш қилиб, койишига сабаб бўлмагин. Ундан юқорида ўтирмагин ва исмини айтиб чақирмагин»**, дедилар.

Ибн Сунний ривояти

Убайдуллоҳ ибн Заҳр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Отасининг исмини айтиб чақириб ва йўлда кетаётганда ундан олдинда юриш оқ бўлишдандир».

Ибн Сунний ривояти

Исмни яхшироғига ўзгартириш маҳбуб экани

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Зайнабнинг асл исми Барра (яхшилик) эди. «У ўзини мактаб шу исмни қўйган», дейишган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Зайнаб деб ўзгартирдилар (*Зайнаб – отасининг зийнати дегани. Шунингдек, хушманзара, хушбўй дарахтнинг номи*).

Имом Бухорий ва Муслим ривояти

Зайнаб бинти Абу Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Менга Барра деб исм қўйишган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уни Зайнаб деб**

номланглар», дедилар. Зайнаб бинти Жаҳш Расулуллоҳнинг ҳузурларига кирган пайтда унинг ҳам исми Барра эди. Уни ҳам Зайнаб деб номладилар».

Имом Муслим ривояти

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Жувайриянинг исми Барра эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Жувайрия деб ўзгартирдилар, чунки «Барранинг ҳузуридан чиқиб келяпти» дейилишини карих кўрар эдилар.

Имом Муслим ривояти

Саъид ибн Мусайяб ибн Ҳазн отасидан ривоят қилади:

«Отам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борганида «**Исминг нима?**» деб сўрабдилар. Отам «Ҳазн» (кийинчилик) дебди. У зот: «**Сенинг исминг Саҳл**» (осонлик), дебдилар. Отам эса: «Отам кўйган исмни ўзгартирмайман», дебди. Шундан кейин бизда маҳзунлик қолиб кетди».

Имом Бухорий ривояти

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Осия исмли аёлнинг исмини Жамила деб ўзгартирдилар.

Имом Муслим ривояти

Имом Муслим ривоят қилган бошқа ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар

розияллоху анхунинг Осия исмли қизларини Жамила деб ўзгартирганлари айтилган.

Усома ибн Ахдарий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларига келган кишилар орасида Асрам (кесилган) исмли киши бор эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Исминг нима?**» деган эдилар, «Асрам», деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Сенинг исминг Зурья**» (зираат экувчи), дедилар.

Абу Довуд ривояти

Абу Шурайх Ҳоний ал-Ҳорисий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига қавмим билан бирга вакил бўлиб келдим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қавми менинг куням Абулҳакам эканини эшитиб, ҳузурларига чақирдилар. «**Ҳакам Аллоҳдир. Ҳукм ҳам Унга хосдир. Нима учун сени Абулҳакам дейишади?**» деб сўрадилар. «Қавмим бирор нарсада ихтилоф қилса, менга келишади. Мен уларнинг ораларида ҳакам бўламан. Икки томон ҳам мендан рози бўлади», дедим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Бу яхши. Болаларинг борми?**» деб сўрадилар. «Ҳа, Шурайх, Муслим ва Абдуллоҳ исмли ўғилларим бор», дедим. «**Каттаси қайси?**» дедилар. «Шурайх», дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Унда сен Абу Шурайхсан**», дедилар.

Абу Довуд айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Осий (гуноҳкор), Азиз, (Абдулазиз деб қўйилади) Атла (қўпол), Шайтон, Ҳакам (ҳукм қилувчи), Ғуроб (қарға), Ҳубоб (шайтоннинг исмларидан бири) ва Шихоб (учқун) деган исмларни Ҳошим деб ўзгартирдилар. Ҳарбни (уруш) Силм (тинчлик) деб, Музтажиъни (ёнбошлаган) Мунбаъис (ҳаракатга тушувчи) деб, Афира (қуруқ) деган жойни Ҳазира (қўм-қўк) деб, Шиъбаз-залолани (залолат дараси) Шиъбал-ҳуда (хидоят дараси) деб, Бану Занийя (зинокорлар) ва Бану Муғвияни (адашганлар) Бану Ришда (рушд-хидоятдагилар) деб номладилар».

Қисқа бўлиши учун буларнинг санадини тарқ қилганлар.

Агар соҳиби азият чекмаса, исмни қисқартириш жоизлиги ҳақида

Саҳиҳ ривоятларда келишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қанча саҳобаларининг исмини қисқартириб айтганлар. Масалан, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуни «Абу Ҳирр» деб, Оиша онамизни «Оиш», Анжашани «Анжаш» деб чақирганлар.

Ибн Суннийнинг китобларида келишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Усомани «Усайм», Микдомни «Қудайм» деб ҳам чақирганлар.

Эгаси ёқтирмайдиган лақабни айтиб чақиришдан қайтарилгани ҳақида

Аллоҳ таоло Хужурот сурасининг 11-оятида «**Бир-бирингизга лақаб қўйманглар**», яъни бир-бирингизга ёмон лақаблар қўйиб олманглар, деган.

Уламолар бир одамни у ёқтирмайдиган лақаб билан чақириш ҳаром эканига иттифоқ қилишган. Кўзнинг шилпиқлиги, кал, кўр, оқсоқ, ғилай, пес, яра, малла, букри, кар, кўккўз, пучуқ бурун, лаби ёрилган, тиши синик, бирор касаллиги бор, қўли кесилган, ногирон, чўлоқ каби кишининг ўзидаги ёки онасидаги бирор белги-аломатни лақаб қилиб қўйиш ҳаромдир. Аммо зарурат бўлганда лақабини айтмаса, таниш қийин бўлган ҳолларда жоиз, дейилган.

**Эгаси яхши кўрадиган лақабни
айтиб чақириш жоиз экани ҳақида**

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг исмлари Абдуллоҳ ибн Усмон, лақаблари Атиқ эди. Жумҳур олимлар, муҳаддислар, сийрат ва тарих аҳллари шунга иттифоқ қилишган. Баъзилар Атиқ – у кишининг исмлари, дейишган. Аввалгиси саҳиҳдир. Аммо Атиқ дейилишининг сабаби ҳақида ихтилоф қилишган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Абу Бакр Аллоҳнинг дўзахдан атиқидир, яъни озов қилганидир**», дедилар. Шу кундан бошлаб Абу Бакр розияллоҳу анҳу Атиқ дейдиган бўлишди».

Мусъаб ибн Зубайр розияллоҳу анҳу ва бошқа қариндошлар: «Абу Бакр розияллоҳу анҳу Атиқ деб номланди, чунки насабларида бирор айбли нарса йўқ эди», дейишган.

Яна бир мисол Али ибн Абу Толибнинг Абу Туроб деган лақабидир. Унинг куняси Абулҳасан эди.

Саҳиҳ ривоятларда келишича, бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қарасалар, Али розияллоҳу анҳу масжидда ухлаётган экан. Унинг ҳаммаёғига тупроқ теккан экан. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Тур, эй Абу Туроб**» («Тупроқвой»), дедилар. Шундан кейин у мана шу чиройли, яхши лақабни ўзига хослаб олган экан.

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мана шу Абу Туроб Алининг энг яхши кўрган исми эди. У мана шу исм билан чақиришларини яхши кўрарди».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти

Саҳиҳ ривоятларда келишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хирбоқ исмли кишини кўли узун бўлгани учун Зулядайн (Узунқўл) деб чақирдилар.

Имом Бухорий мана шу лафз билан «Ал-Бирру вассила» китобининг аввалида ривоят қилганлар.

Фазл аҳлларига куняни айтиб мурожаат қилиш жоиз ҳамда маҳбублиги ҳақида

Фазлилатли зотлар ва уларнинг яқинларига куняларини айтиб мурожаат қилиш одобдандир. Масалан, мактуб ёзишда ва бирор ривоят нақл қилишда Шайх, Имом, Абу Фулон, Фулон ибн Фулон ва шу кабиларни кўллаш мумкин. Шунингдек, ўз

кунясини ўз китобида зикр қилмаслик ҳам одобдандир. Лекин зарурат бўлса ёки фақат куняси орқалигина танилса ёки куняси исмидан машҳур бўлса, жоиз.

Абу Фулон ва Абу Фулона, Умму Фулон ва Умму Фулона деб кунялаш жоизлиги ҳақида

Буларнинг ҳар бирида тақик йўқ. Умматнинг салафлари, саҳоба, тобеъин ва улардан кейингилар Абу Фулона деб қизларининг исми билан ҳам куняланишган. Усмон ибн Аффоннинг Абу Амр, Абу Абдуллоҳ ва Абу Лайло деган учта куняси бор эди. Бундай кунялардан яна бири Абу Дардодир. Бу саҳобанинг Хайра исмли катта завжалари ҳам, Ҳужайма исмли кичик завжалари ҳам Умму Дардо эди. Бу кичик хоним етук ақлли, фозила, фақиҳа, кадри улуғ тобеъинлардан эди. Шунингдек, Абдуррахмон ибн Абу Лайло, оталари Абу Лайло, буларнинг завжалари Умму Лайло бўлиб, иккови ҳам саҳоба эдилар. Яна Абу Умома, Абу Райҳона, Абу Рамса, Абу Рийма, Абу Амра Бушайр ибн Амр, Абу Фотима ал-Лайсий, Абу Марям Аздий, Абу Руқайя Тамим Дорий, Абу Карима Миқдом ибн Маъдий Карибларнинг ҳаммалари саҳоба бўлишган.

Абу Оиша Масруқ ибн Аждаъ ва шунга ўхшаш сон-саногӣ йўқ кишилар тобеъинлардан бўлган.

Самъоний «Ал-Ансоб» китобида айтилишича, Масруқ (ўғирланган) деган куняга сабаб шуки, у зотни ёшлик пайтларида бир одам ўғирлаб кетган, кейин топилганлар.

Саҳиҳ ҳадисларда келишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдурраҳмон ибн Саҳрни Абу Ҳурайра деб кунялаганлар.

الببغاء هو الكائن الوحيد الذي
ينقل الكلام بدون زيادة أو
نقصان ... اللهم بغبغ بعض
الناس !!!



3147. Тўтиқуш эшитган сўзини бирорта қўшимчасиз, камчиликсиз етказди.

Аллоҳим! Баъзи (гап ташийдиган) одамларни ҳам тўтиқушдек қилгин!



د أحمد عيسى المعصراوي

"التربية القرآنية"

﴿ ولا تمدن عينيك ﴾

لا ترهق نفسك بالمقارنات

فكلما اتسعت عينك ضاق صدرك !

3148. Қуръоний тарбия

«Биз (айрим) тоифаларни фитнага солиш учун баҳраманд қилган – дунё ҳаёти гўзалликларидан иборат нарсаларга кўзларингизни тикманг!

Парвардигорингизнинг ризқи яхшироқ, давомлироқдир» (Тоҳа сураси, 131-оят)

Ўзингни бошқаларга солиштириб, қийинчиликка тушиб қолма!

Бошқаларга берилган неъматга кўз тикканинг сари қалбинг шунча торайиб бораверади.

في قصص الأنبياء سلوى ..
للمصلحين والناصحين الذين يضيق
صدرهم بالإهانة والأذى اللفظي

رَجِيمٌ وَدُوْدٌ ﴿١٠﴾ قَالُوا يَشْعَبُ مَا نَفَقَهُ كَثِيرًا مِمَّا تَقُولُ
وَإِنَّا لَنَرِيكَ فِينَا ضَعِيفًا وَلَوْلَا رَهْمُكَ لَرَجِمْنَاكَ وَمَا أَنْتَ
عَلَيْنَا بِعَزِيزٍ ﴿١١﴾ قَالَ يَنْفِقُونَ أَهْطِي أَعَزُّ عَلَيْكُمْ مِنَ

3149. Ислоҳ қилганида, насихат қилганида хорлик ва озор етган даъватчилар учун пайғамбарлар тарихида гўзал тасалли бор:

«Улар шундай дейишди: «Эй Шуайб! Айтаётганларингнинг кўпини англаб етмаяпмиз. Сен орамизда ожиз бир кимса экансан. Қавм-қариндошларинг бўлмаганида, сени тошбўрон қилган бўлур эдик. Сен биз учун азиз-мўътабар одам эмассан» (Худ сураси, 91-оят).



3150. Донишмандлардан бири шундай деган экан:
Гапнинг энг етуги – ортиқчаси кам, ҳар бўлаги мукамал бўлгандир.

Гапнинг энг етуги – қурилиши соғлом, маънолари равшан бўлгандир.

Гапнинг энг етуги – қалбдан айтилиб, изоҳсиз ҳам англанадигандир.

Гапнинг энг етуги – боши охирига далолат қиладигани, ичи ташига муҳтож бўлмайдигандир.

Гапнинг энг етуги – комиллик билан зийнатлангани, хосу авом бирдек тушунадигандир.

Гапнинг энг етуги – мажози оз, боши охирига муносиб келгандир.

«Унваанул байаан» китобидан




3151. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Уч киши бўлсангиз, икки киши бошқасини қўйиб, пинҳона гаплашмасин, чунки бу уни хафа қилади».

Имом Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривояти.



3152. Нафс асов отга ўхшайди. Сен уни измингга юритмасанг, у сени измига юритиб олади. У хўжайин бўлиб қолса, сен хоҳлаган томонга эмас, ўзи хоҳлаган томонга етаклаб кетади.



3153. Ким кушойиш кутса, кутгани учун савоб олади. Чунки кушойишни кутиш Аллоҳ ҳақида яхши гумон қилишдир. Аллоҳ ҳақида яхши гумон қилиш эса солиҳ амал бўлиб, инсон бунинг учун савоб олади.



3154. «Буларни (Лут алайҳиссалом ва унга эргашганларни) қишлоқдан чиқариб юборинглар!

Булар жуда покдомон одамлар экан-ку!» (Аъроф сураси, 82-оят)

Покиза, иффатли зотлар баъзи фитрати бузуқ, табиати бузуқ кимсалар наздида таъқиб ва қувғинга лойиқ саналади.

Изоҳ: Инсофни кўринг! Инсонлик табиатига мувофиқ иш қилган, ҳалолу пок бўлиб, бошқаларни ҳам покликка чақирганлар юртдан бадарға қилишмоқчи. Уларнинг биргина «айби» – жуда покдомон бўлганлари, холос. Инсонийлик қиёфасини йўқотган қавм шу даражага етар эканки, ўзи инсон деган номга иснод бўлган, тавқи лаънат бўлиб осиладиган қабоҳатни тап тортмай қилгани етмагандек, уларга ўхшашни хоҳламаган, инсонлигини йўқотмаганларни покликда айблар экан.



3155. Бир куни бурга билан чивин учрашиб қолибди. Чивин бургага шундай дебди: «Ҳайронман: овозим сеникидан чиройли, тилик аниқ-равшан, вазним оғир, ҳурматим ҳам сеникидан улуғ, учишда ҳам сендан афзалроқман. Лекин очликдан, уйқусизликдан қийналаман, доим касалман, қачаон

қарасанг мени ҳайдаб солишади. Сен эса доим қорнинг тўқ, юмшоқ баданларда яйрайсан»

Бурга чивинга жавоб қилибди: «Сен оламни бошингга кўтариб, шовқин соласан, одамларнинг қулоғи остида ғинғиллайсан. Мен эса индамай қорнимни тўйдираман».

*Сокинлик инсонга кийдиради тоғж,
Шовқин-сурон эса талаб қилар бож –
Бурга индамасдан улушин топса,
Чивинни гавгоси қолдиради оч!*

«Унваанул байаан» китобидан



3156. Мажлисдан турганда айтиладиган

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Қимки бир мажлисда ўтирганида шовқин-сурон кўпайиб кетса, мажлисдан

туришидан олдин: **«Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдик, ашҳаду ан лаа илааҳа илла ант, астағфирука ва атуубу илайк»** (Аллоҳим, Сени ҳамдинг билан поклаб ёд этаман. Гuvoҳлик бераманки, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сенга истиғфор айтиб, тавба қиламан) **деса, шу мажлисда қилган гуноҳлари кечирилади».**

Термизий ривояти

Абу Барза розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ишни тугатиб, мажлисдан турмоқчи бўлсалар, **«Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдик, ашҳаду ан лаа илааҳа илла ант, астағфирука ва атуубу илайк»** дер эдилар. Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, бир сўз айтдингиз, бунини аввал айтмаган эдингиз», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мана шу калималар мажлисда бўлган нарсаларга каффоратдир»**, дедилар.

Абу Довуд ривояти

Имом Ҳоким ҳам «Мустадрок» китобида шу ҳадисни Оиша розияллоҳу анҳо ривоятидан саҳиҳ санад билан ривоят қилганлар.

Хурсандчилик етганда Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиш маҳбублиги ҳақида

Бирор неъмат етса ёки бирор бало-офат кетса, Аллоҳга шукр саждаси қилиш ва ҳамду сано айтиш маҳбубдир. Бунга далил сифатида машҳур ҳадис ва асарлар кўпдир.

Амр ибн Маймун машварат ҳақидаги узун ҳадисда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг

ўлими ҳақидаги ривоятда айтилишича, у ўғли Абдуллоҳни Оиша розияллоҳу анҳонинг хузурларига юбориб, икки дўсти билан бирга дафн қилинишга изн сўради. Абдуллоҳ келгач, Умар розияллоҳу анҳу: «Бирор янгилик олиб келдингми?» деди. Абдуллоҳ: «Эй мўминларнинг амири, сиз истаётган изни олиб келдим», деди. Шунда Умар розияллоҳу анҳу: «Алҳамдулиллаҳ, мен учун бундан муҳимроқ нарса йўқ», дедилар.

Имом Бухорий ривояти

**Хўроз қичқирғи, эшак ханграши ва ит
вовиллашини эшитганда нима дейилади**

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Эшак ханграшини эшитсангиз, Аллоҳ номи билан шайтондан паноҳ тиланглар, чунки у шайтонни кўрган бўлади. Хўроз қичқирғини эшитсангиз, Аллоҳдан фазл сўранглар, чунки у фариштани кўрган бўлади**».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Кечаси итнинг вовиллаши, эшакнинг ханграшини эшитсангиз, Аллоҳ номи билан паноҳ сўранглар, чунки улар сизлар кўрмайдиган нарсени кўради**».

Абу Довуд ривояти

Ёнғинни кўрган пайтда нима дейилади

Амр ибн Шуъайб отасидан, у эса бобосидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ёнғинни кўрсангиз, такбир айтинглар, чунки такбир оловни ўчиради», дедилар.

Ибн Сунний ривояти

Бунга қўшиб қийинчилик ва офат пайтида айтиладиган зикрлар ҳам айтилади.



3157. Имом Ҳасан Басрий шундай дедилар:

«Эй ёшлар! Охират талабида бўлинглар. Охиратни талаб қилиб, дунёни ҳам қўлга киритганларни кўп кўрганмиз. Аммо фақат дунёни талаб қилиб, дунё ва охиратни биргаликда қўлга киритганларни кўрмаганмиз».

Имом Байҳақийнинг «Зухдул кабир» номли китобидан.

أصعب الحرام أوله ، ثم يسهل ، ثم يُستساغ
ثم يؤلف ، ثم يجلو ، ثم يُطبع على القلب
ثم يبحث القلب عن حرام آخر !

قال بعض الصالحين : إذا دعتك نفسك إلى معصية
فحاورها حواراً لطيفاً بهذه الآية

﴿ قُلْ أَذَلِكْ خَيْرٌ أَمْ جَنَّةُ الْخُلْدِ

الَّتِي وَعَدَ الْمُتَّقُونَ ﴾

3158. Ҳаромнинг энг қийини дастлабқисидир. Кейин у осонлашади, сўнг осон ўзлашади, сўнгра улфатлашади, сўнгра ёқимли бўлиб қолади, сўнгра қалбга муҳрланиб қолади, кейин эса қалб бошқа ҳаромни қидира бошлайди!

Солиҳлар айтади:

Нафсинг бирор гуноҳ-маъсиятга чорласа, қалбинг билан ушбу оят воситасида музокара олиб бор.

«Шу (дўзах) яхшими ёки тақводорларга ваъда қилинган мангу жаннатми?!» (Фурқон сураси, 15-оят).



3159. Бир киши Ҳасан Басрийга: «Менга насихат қилинг!» деди. У зот: «Аллоҳнинг буйруқларини эъзозла, Аллоҳ ҳам сени азиз қилади», дедилар.



3160. Шундай сўзлар борки, тақдирда битилган балоларни келтиради, уйларни хароб қилади, қабрга элтади. Сўзлашдан кўра тинглаш тинчроқдир. Ёлғончининг дили тилидан ҳам ёлғончи бўлади. Энг чиройли мақтов – рост мақтовдир. Тил – дами кескир қиличдир, гап – тешиб ўтувчи ўқдир, уни тўсиб бўлмайди. Саломатлик сукутда, пушаймонлик гапиришдадир. Оёғингни тойилтириб, узундан-узоқ пушаймонга сабаб бўладиган гапдан тийилгин. Одоби ознинг шовқин-сурони кўп бўлади. Барака мулойимликда, нажот эса ростгўйликдадир.

«Унванул байаан» китобидан



3161. Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:
«Кимки (Қиёмат кунда савоблари) тўлиқ ўлчанишини истаса, мажлисининг охирида ёки ундан турганда: **«Субҳаана Роббика – Роббил иззати – ʔамма ясифуун. Ва салаамун ʔалал мурсалийн, вал ҳамду лиллааҳи Роббил ʔааламийн»** (*Иззат Робби бўлмиш Роббинг сифатлашларидан покдир. Пайгамбарларга салом бўлсин, оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамду сано бўлсин*) десин».

«Хулятул авлиё» китобидан.



د أحمد عيسى المعصراوي

رحم الله الشافعي عندما سئل
كيف نعرف أهل الحق في زمن الفتن؟ قال: اتبع
سهام العدو فهي ترشدك إليهم

3162. Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳдан: «Фитна пайтида ҳақ аҳлини қандай таниб оламиз?» деб сўрашди. У зот: «Душманнинг ўқи ортидан борсанг, сени улар томон бошлаб боради», дедилар.



3163. Рабиъ ибн Хайсам роҳимаҳуллоҳ айтадилар:

«Тўққиз нарсдан бошқасини айтишда яхшилик йўқ:

1. Таҳлил (Лаа илааҳа иллаллоҳ).

2. Такбир (Аллоҳу акбар).
3. Тасбеҳ (Субҳааналлоҳ).
4. Таҳмид (Алҳамдулиллаҳ).
5. Яхшилик сўраш.
6. Ёмонликдан паноҳ сўраш.
7. Яхшиликка буюриш.
8. Ёмонликдан қайтариш.
9. Қуръон тиловат қилиш.



3164. Абу Бакр ал-Варроқ айтадилар: «Ким аъзоларини шаҳватлар билан рози қилса, қалбига афсус-надомат дарахтларини экибди».



3165. Жим тура олган одам нафратдан омон бўлади. Нолойиқ гап айтган одам хоҳламаган сўзларини эшитади. Беҳикмат гапириш – ақлсизлик, фикрсиз сукут эса соқовликдир.

«Унванул байаан» китобидан



3166. Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига қуйидаги дуони қилиб, мажлисдан туриб кетардилар: «Аллоҳумма, ақсим ланаа мин хошятика маа яҳуулу байнанаа ва байна маъасийк, ва мин тоатика маа тубаллиғунаа биҳии жаннатак, ва минал яқийни маа тухаввину биҳии аълайнаа масоибад-дуња. Аллоҳумма, маттиънаа биасмаъина, ва абсорина, ва қувватина маа аҳйайтанаа, важъалҳул-ваариса миннаа, важъал саъранаа ъалаа ман золаманаа, вансурна ъалаа ман ъаадаанаа, ва лаа тажъал мусийбатанаа фий дийнинаа ва лаа тажъалид-дуња акбаро ҳамминаа, ва лаа маблаға ъилминаа ва лаа тусаллит ъалайнаа ман лаа ярҳамунаа» (Аллоҳим, Сенга қилинадиган гуноҳ билан орамизни тўсадиган кўрқувни, жаннатингга етказадиган тоатингни ҳамда бизга дунё мусибатларини енгиллаштирадиган яқийни насиб қилгин. Аллоҳим, тириклигимизда қулоғимиз, кўзимиз ва қувватимиздан фойда бер, уни бизга ҳамроҳ қилгин. Ўчимизни бизга зулм қилганларга қаратгин. Душманларимиз устидан бизга нусрат бергин. Мусибатимизни динимизда қилмагин, дунёни энг катта ғамимиз ва охирги илмимиз қилиб қўймагин. Бизга раҳм қилмайдиганларни бизга бошлиқ қилмагин).

Термизий ривояти

Аллоҳни зикр қилмай мажлисдан туришнинг кароҳияти ҳақида

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир қавм Аллоҳни зикр қилмай мажлисдан турса, эшакнинг ўлакчаси каби туриб, хасратда қолади»**, дедилар.

Абу Довуд ривояти

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Кимки бир жойда ўтирса-ю, Аллоҳни зикр қилмаса, Аллоҳ томонидан унга ноқислик етади. Кимки бир ўринга ёнбошласа-ю, Аллоҳни зикр қилмаса, Аллоҳ томонидан унга ҳам ноқислик етади»**.

Абу Довуд ривояти

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Бир қавм бир мажлисда ўтириб, Аллоҳни зикр қилмаса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтмаса, унга ҳам ноқислик етади. Аллоҳ хоҳласа, азоблайди, хоҳласа, кечиради»**.

Термизий ривояти

Йўлда зикр айтиш ҳақида

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Бир қавм бир мажлисга ўтириб, Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилмаса, унга ноқислик**

етади. Киши йўлда кетаётиб, Аллоҳ азда ва жаллани зикр қилмаса, унга ҳам ноқислик етади».

Ибн Сунний ривояти

Абу Умома ал-Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табукда эдилар. Жаброил алайҳиссалом келиб, **«Эй Муҳаммад! Муовия ибн Муовия ал-Музанийнинг жанозасида иштирок этинг»**, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бордилар. Жаброил алайҳиссалом ҳам етмиш минг фаришта билан тушди, ўнг қанотини тоққа қўйган эди, тоғ эгилди. Чап қанотини ерга қўйган эди, у ҳам эгилди. Ҳаттоки у зот Маккага ва Мадинани кўра олдилар. Бу саҳобанинг жанозасини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Жаброил алайҳиссалом ва фаришталар ўқишди. Ўқиб бўлишгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Жаброил, Муовия нима сабабли бу мақомга эришди?»** дедилар. Жаброил алайҳиссалом: **«Тик турганда ҳам, юриб кетаётганда ҳам, уловда кетаётганда ҳам, «Кул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқиб юриши сабабли»**, деди.

Ибн Сунний ва Байҳақийлар ривояти



د أحمد عيسى المعصراوي

لا تمسك مصحفك متفضلا بوقتك !
بل تناوله وأنت خجل من تقصيرك
ف.. مُصَاحِبَةَ الْقُرْآنِ تَذْهَبُ كُلُّ دَاءٍ
وَتَطْرُدُ كُلَّ بَلَاءٍ
وَهُوَ هُدًى وَشِفَاءٍ


3167. Мусхафни «Мен шу ишга вақт ажратдим» деб қўлингга олма! Уни айбдор сифатида, хижолат билан қўлга ол. Чунки Қуръонга ҳамроҳ бўлиш барча касалликларни кетказди, барча балоларни даф қилади.

Қуръон – ҳидоят ва шифодир.



3168. Имом Шофеъий роҳимахуллоҳ: «Илм талаб қилиш нафл намоздан афзалдир», дедилар.

«Хулятул авлиё» китобидан



3169. Вақтнинг қадри:

Вақтни зое қилиш ўлимдан қаттиқроқдир, чунки вақтни зое қилиш сени Аллоҳдан ва охират диёридан узиб қўяди. Ўлим эса дунё ва унинг аҳлидан узиб қўяди, холос. Дунёнинг бошидан охиригача бир соатнинг ғамига тенг келмайди. Бутун умрнинг ғами-чи?



3170. Кўп тинглаш фойда келтиради. Ёмон гап чиройли ҳолатга ҳам айб етказди. Кўп савол малол келтиради.

«Унваанул байаан» китобидан




3171. Сулаймон ибн Сурад розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан ўтирган эдим, икки киши сўкишиб қолди. Бирининг юзи қизариб, бўйнидаги кўк томирлари бўртиб чиқди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Мен бир калимани биламан, агар ўшани айтса, бу ҳолат ундан кетади. «Аъузу биллааҳи минаш-шайтонир рожийм»** (лаънати шайтондан Аллоҳ номи билан паноҳ тилайман) **деса, ундан мана бу ҳолат кетади»**, дедилар. Кишилар ўша одамнинг олдига бориб, «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам **«Лаънати шайтондан Аллоҳ номи билан**

паноҳ тила», дедилар», дейишди. Аммо у: «Нима, мен жинни бўлибманми?» деди».

Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари



3172. Илм ва амал эгизакдир, уларнинг онаси олий ҳимматдир.

Жоҳиллик ва бекорчилик ҳам эгизакдир, уларнинг онаси дангасалик таъсирига тушиб қолишдир.



د أحمد عيسى المعصراوي

صلاة الفجر

فريضتها : تجعلك في ذمة الله
وسنتها : خير من الدنيا وما فيها
وقرآنها : إن قرآن الفجر كان مشهودا
فهنيئا لمن أدركها.

3173. Бомдод намози

Бомдоднинг фарзини ўқиган одам Аллоҳнинг кафиллигида бўлади.

Бомдоднинг суннати бу дунё ва ундаги барча нарсалардан яхшидир.

Бомдод пайтида ўқилган Қуръонга фаришталар гувоҳ бўлади.

Буни топганларга олқишлар бўлсин!



3174. Нима учун мусулмонлар йил ҳисоби учун ҳижрий санани танлашган? Ахир танлаш мумкин бўлган бошқа нарсалар ҳам бор эди-ку?

Масалан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари, мавлидлари, пайғамбар қилиб юборилишлари. Нима учун шу уч муҳим воқеадан бирини танламай, Маккадан Мадинага ҳижрат қилганлари танланди?

Жавоб шуки, ҳижрат Ислом давлатининг, унинг шон-шавкати, ташкил топиши ва барқарор бўлишининг бошланишидир. У Ислом, Ислом Пайғамбари ва мусулмонлар учун буюк кўчиш ҳамдир. Умумий маънода ҳам ҳижрат туғилган кундан муҳимроқдир. Туғилган кунда эсга олишга

арзигулик бирор муҳим воқеа йўқ. Ундан ташқари, насронийлар йил бошини Ийсо алайҳиссалом туғилган кундан бошлашига ўхшаб қолиш ҳам бор.

Шунингдек, йилни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари билан ҳам бошламаймиз, чунки бу воқеа белги, рамз бўла олмайди. Аксинча, у қайғуга яқинроқ ҳодисадир.

Шунингдек, пайғамбар бўлиб юборилишлари ҳам ҳижрат каби эътиборга лойиқ эмас!

Валлоҳу аълам.



3175. Гапи чўзилган кишидан ҳамма безор, гуноҳи ортган киши таънаю маломатга дучор.

«Унванул байаан» китобидан



3176. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Дини ва хулқидан рози бўлган кишингиз совчи бўлиб келса, каримангизни унга никоҳлаб беринг. Бундай қилмасангиз, ер юзида фитна ва фасод бўлади**», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, агар унда... бўлса ҳамми?» дейишди. У зот: «**Дини ва хулқидан рози бўлган кишингиз совчи бўлиб келса, каримангизни унга никоҳлаб беринг**», деб уч марта айтдилар».

Имом Термизий ривояти.

Изоҳ: Бу ҳадиси шарифдан дини ва хулқи яхши бўлган йигитнинг энг муносиб куёв бўлиши қаттиқ таъкидлангани келиб чиқмоқда. Сўралган қиз ёки аёл бундай совчига берилмаса, фитна ва фасод қилинган бўлар экан. Саҳобалар бу гапни эшитиб, «Агар ўша одамда фалон-фалон сифатлар бўлса-чи» деб қайта-қайта сўрашса ҳам, у зот сўзларини уч марта қайта такрорладилар. Бу ҳам диндорлик ва ҳусни хулқнинг нақадар улуғ сифат эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Куёв танлаш пайтида ушбу набавий маслаҳатларга амал қилсак, энг тўғри йўлни тутган бўламиз.



3177. Икки кишининг алоқаси яхши бўлса, билгинки, уларнинг фикри ҳар бир ишда бир жойдан чиқавермайди, балки улар бир-бирининг камчилигига сабр қилади.



3178. Хоҳлаган нарсангни ўқи, хоҳлаган нарсангни ёдла, хоҳлаган нарсангни ёз. Лекин

Қуръондан бошқасида нажот ҳам, бахт ҳам топмайсан, муваффақиятга ҳам эришмайсан.

Қуръон – қалблар ҳаётидир.



3179. Умар розияллоху анху: «Фарзандларингиз балоғатга етса, уйлантириб қўйинглар, уларнинг гуноҳларини юклаб олманглар», деган.



3180. Оёқнинг қоқилса, оёқ қонайди, аммо тил қоқилса, неъматлар кетади.

«Унванул байаан» китобидан

من كتاب الأذكار للنووي
Имом Нававийнинг ал-Азкор китобидан

Яхши кўрган кишига бунни билдириб қўйиш маҳбублиги
ва билдирганда айтадиган зикрлари

استحباب إعلام الرجل من يحبه أنه يحبه
وما يقوله له إذا أعلمه

317

اللَّهُمَّ أَعِنِّي عَلَى ذِكْرِكَ
وَشُكْرِكَ وَحُسْنِ عِبَادَتِكَ

www.arabic.uz

من كتاب الأذكار للنووي
Имом Нававийнинг ал-Азкор китобидан

Ғазаб келганда айтиладиган
зикрлар

ما يقول إذا غضب

316

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي وَأَذْهَبْ غَيْظَ
قَلْبِي، وَأَجِرْنِي مِنَ الشَّيْطَانِ

www.arabic.uz

3181. Муоз ибн Жабал розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менинг қўлимдан ушлаб, «Эй Муоз, Аллоҳга қасам, сени яхши кўраман. Мен сенга ҳар намоздан кейин «Аллоҳумма, аъинний ʔалаа зикрика, ва шукрика, ва хусни ʔибадатик» дейишни ва бунни тарк қилмасликни васият қиламан», дедилар.

Абу Довуд ва Насаийлар ривояти

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузуримга кирдилар. Жаҳлим чиқиб турган эди. Бурнимнинг бир тарафини ушлаб, тортдилар-да, **«Эй Увайш,* «Аллоҳуммағфирлий занбий, ва азҳиб ғойза қалбий, ва ажирний минаш-шайтон»** (Аллоҳим, гуноҳларимни кечир, қалбимнинг ғазабини кетказ, шайтондан сақла) дегин», дедилар».

Ибн Сунний ривояти

* Увайш – Оиша исмининг қисқартмаси.

Атиййа ибн Урва ас-Саъдий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ғазаб шайтондандир. Шайтон оловдан яратилган. Олов сув билан ўчирилади. Қай бирингиз ғазабланса, таҳорат қилсин»**, дедилар.

Абу Довуд ривояти

**Яхши кўрган кишисига буни билдириб
қўйиш маҳбублиги ва буни қандай айтиш**

Миқдом ибн Маъдий Кариб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир одам биродарини яхши кўрса, яхши кўрганини унга билдириб қўйсин»**, дедилар.

Абу Довуд, Термизий ривояти

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида эди. Бошқа бир киши ўтиб

қолди. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен уни яхши кўраман», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Яхши кўришингни унга билдирганмисан?»** дедилар. У «Йўқ», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Билдириб қўйгин»**, дедилар. У киши бориб, «Мен сени Аллоҳ учун яхши кўраман», деди. Шунда ҳалиги киши: «Аллоҳ учун яхши кўрганинг учун Аллоҳ ҳам сени яхши кўрсин», деди.

Абу Довуд ривояти

Язид ибн Нуъома Заббий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир одам бир одам билан дўстлашса, унинг исмини, отасининг исмини ва қайси насабдан эканини сўрасин, шунда дўстлик бардавомроқ бўлади»**, дедилар.

Термизий ривоят қилганлар.




3182. Ибн Вахб айтади: «Моликдан эшитдим: «Билгинки, эшитган нарсасини гапиравериш улкан фасоддир».

جالس العلماء بعقلك ، وجالس الأمراء بعلمك ، وجالس
الأصدقاء بأدبك ، وجالس أهل بيتك بعطفك ، وإن جالست
السفهاء فيحلمك .
وكن جليس ربك بذكرك ، وكن جليس نفسك بنصحك
صلِّتْكَ بِالله ، هي بوابتُكَ للحياة ..
قد تسكن قصرا و تضيق بك الحياة ، وقد تسكن جحرا و
يشرح الله صدرك ..
قد يكون لك إخوة و تعيش وحيدا ، وقد تكون وحيدا و حولك
إخوة ..
قد ترى الأصدقاء يطعنون ظهرك ، وقد ترى الأعداء ينقدون
حياتك ..
وقد ترى أغنياء يرتشون ، وقد ترى فقراء يتصدقون ..
لهذا سميت دنيا !
إحسانك و تعاملك لا ينسى ، فلا تندم على لحظات أسعدت
بها أحدا ، حتى و إن لم يكن يستحق ..
- كن شيئا جميلاً فالكل راحل.

3183. Уламолар билан ўтирганда ақл билан ўтир ишлат. Раҳбарлар билан ўтирганда илм билан ўтир. Дўстлар билан ўтирганда одоб билан ўтир. Оила аъзоларинг билан ўтирганда меҳрибонлик билан ўтир. Беақллар билан ўтирганда ҳалимлик билан ўтир. Роббингни зикр қилиб, У билан суҳбат қур. Нафсингга насиҳат айтиб, у билан суҳбат қур. Аллоҳга боғланиш ҳаёт учун эшикдир. Эҳтимол, қасрда яшарсан, аммо ҳаётинг тангликда ўтар. Эҳтимол, кулбада яшарсан, аммо қалбинг шодликда бўлар. Эҳтимол, биродарларинг бўлар, аммо ўзингни танҳо ҳис қилиб яшарсан. Эҳтимол, танҳодирсан, аммо атрофингда биродарлар кўп. Баъзан дўстлар орқангга ханжар уриши мумкин. Баъзан душман ҳаётингни сақлаб қолиши мумкин. Баъзан бойлар зикна бўлиб, камбағаллар садақа қилганини кўрарсан. Шунинг учун буни дунё дейдилар.

Қилган яхшилигинг ва муомаланг унутилмайди. Бир кишини бахтиёр қилган лаҳзаларингга надомат

чекма, гарчи у бунга ҳақли бўлмаса ҳам. Гўзал яшагин, барибир ҳамма ўтиб кетади.



3184. Қуръондан узоқлашиш.

Ҳасан Басрийдан ривоят қилинади:

Мўминларнинг амири Усмон ибн Аффон: «Қалбларимиз пок бўлганда, Роббимизнинг сўзларига тўймаган бўлар эдик. Қуръонга қаралмаган кунни ёмон кўраман», дедилар.



3185. Энг ўткир қилич – тил, энг хавfli душман – қалбдир. Далил-хужжатингни заифлаштирадиган

билимсизлик ҳаётингга талофат етказадиган илмдан яхшироқдир. Билимга кўрғонланиб, даражанг кўтарилгани каби, агар фойда берса, билимсизлик билан ҳам ўзингни кўрғонла.

«Унваанул байаан» китобидан



3186. Касаллик ёки бошқа мусибат етган кишини кўрганда нима дейилади?

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Кимки (ногиронлик ва беморлик ила) балоланган кишини кўриб, **«Алҳамду лиллааҳиллазий ъафоний миммабталака биҳи ва фаззоланий ъалаа касирин мимман холақо тафзийла»** (Буни мубтало қилган нарсасидан менга офият бергани, кўпчилик яратганлари орасидан мени афзал қилгани учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин) деса, унга ана шу бало етмайди», дедилар.

Термизий ҳасан санад билан қилган ривояти

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кимки бало етган кишини кўриб, «Алҳамду лиллааҳиллазий ъафоний миммабталака биҳи ва фаззаланий ъалаа касирин мимман холақо тафзийла» деса, тириклигида бўладиган ана шундай балолардан офиятда бўлади»,** дедилар.

Термизий заиф иснод билан қилган ривояти


Уламолар: «Бу зикрни фақат ўзи эшитадиган қилиб айтиш керак», дейишган, чунки балоланган киши эшитиб қолса, қалби азият чекади. Аммо гуноҳи туфайли балоланган бўлса ва фитна бўлишидан қўрқмаса, эшитадиган қилиб айтишнинг зарари йўқ.

Балоланган кишининг ёки дўстининг ҳолини сўраганда жавоб билан бирга Аллоҳга ҳамд айтишнинг маҳбублиги

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўлим олдидаги касалликларида Али розияллоҳу анҳу у зотнинг ҳузурларидан чиқди. Одамлар: «Эй Абу Ҳасан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қандай тонг оттирдилар?» дейишди. Али розияллоҳу анҳу: «Аллоҳга ҳамд бўлсин, у зот соғ-саломат тонг оттирдилар», деди.

Имом Бухорий ривояти



3187. Ақл уч нарса сабабли ривожланади:

1. Доимий тафаккур.
2. Мутафаккирлар китобини мутолаа қилиш.
3. Ҳаёт тажрибаларига сергак туриш.



3188. Қудуққа тош ташлаб, унинг қаъридан овоз чиқишини кутишади. Сени сўккан кимса ҳам жавоб

қайтаришингни кутади. Сен ўзингни эшитмаганга сол, у қудуқнинг қаъри йўқ эканини билсин.

*Сени кимдир сўкса мақсади аниқ –
У сендан шундайин сўз кутар хато.
Ичинг бутун бўлса, жим тургин кўниб,
Билсанг, бўш қудуқдан қайтади садо.*



3189. Дунёдаги энг қаттиқ азоб – Аллоҳ тилингни зикрдан тўхтатиб қўйишидир.



3190. Жавоби сени хафа қиладиган, айби сенга зарар етказадиган гапни ҳаргиз гапирма. Ҳар бир сўзнинг жавоби, ҳар бир амалнинг мукофоти бор. Ташлаб юбориладиган гапни гапирма, қайтарилган ишни қилма. Тилингни тий, аммо ҳақни изоҳласа, бузукни тузатса ёки бир сўзни тушунтириб, шарҳласа ёхуд бир яхшиликни ёймоқчи бўлса, тилингга эрк бергин. Кишининг айтган гапи унинг ақлига, қилган иши эса унинг аслига далолатдир.

«Унванул байаан» китобидан



3191. Бозорга кирганда айтиладиган зикрлар

Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Кимки бозорга кирганда «Лаа илааҳа иллаллоху ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд, йухйи ва йумийт, ва ҳува ҳаййун лаа ямуут, биядиҳил хойр, ва ҳува Ёалаа кулли**

шай‘ин қодир» (*Ёлғиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам йўқ. Барча мулк Аллоҳникидир, ҳамд Унинг учундир. У тирилтиради ва ўлдиради. У тирикдир, ўлмайди. Яхшилик Унинг қўлидадир ва У ҳар бир нарсага қодирдир*) **деса, Аллоҳ таоло унга бир миллион ҳасанот ёзиб, бир миллион ёмонликни ўчириб, бир миллион даража кўтаради»,** дедилар.

Имом Термизий ва бошқалар ривояти.

Имом Ҳокимнинг баъзи ривоятларида «Унинг учун жаннатда бир уй қурилади» деб кўшимча қилинган.

Ровий айтади: «Хуросонга бориб, Қутайба ибн Муслимнинг олдига кириб, «Сизга ҳадя олиб келдим», деб шу ҳадисни айтиб бердим. Қутайба ибн Муслим уловларига миниб, бозорга бориб, ушбу дуони айтдилар-да, сўнг у ердан кўзгалдилар».

Имом Ҳоким Бурайда розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бозорга кирсалар: **«Бисмиллаҳ. Аллоҳумма, инний ас‘алука хойро ҳаазиҳис-сууқи ва хойро маа фийҳа, ва аъуuzu бика мин шарриҳаа ва шарри маа фийҳаа. Аллоҳумма, инний аъуuzu бика ан усийба фийҳа ямийнан фаажиро ав сафқатан хосиро»** (*Аллоҳнинг исми ила. Аллоҳим, Сендан бу бозорнинг яхшилигини ва ундаги яхшиликларни сўрайман. Бу бозорнинг ёмонлигидан ҳамда ундаги ёмонликлардан Сенинг номинг билан паноҳ тилайман. Аллоҳим, Сенинг номинг билан гуноҳга элтувчи қасамдан ва зарар келтирувчи битимдан паноҳ сўрайман*) дер эдилар.



د أحمد عيسى المعصراوي

أصل الأخلاق المذمومة كلها :
الكبرُ والمهانة والدناءة ، وأصل الأخلاق المحمودة
كلها : الخشوع وعلو الهمة.

3192. Барча ёмон ахлоқларнинг асли – такаббурлик, хорлик ва пасткашлиқдир.

Барча мақталган ахлоқларнинг асли – хушуъ ва олий ҳимматдир.



3193. Манфаатли муҳаббат уч хил бўлади:

1. Аллоҳнинг муҳаббати.
2. Аллоҳ йўлидаги муҳаббат.
3. Аллоҳнинг тоат-ибодатига ва маъсиятдан четлашишга ёрдам берувчи муҳаббат.



3194. Солиҳ зотлар билан бирга ўтириш олти нарсдан олти нарсага буриб юборади:

1. Шак-шубҳадан кучли ишончга.
2. Риёдан ихлосга.
3. Ғафлатдан зикрга.
4. Дунё рағбатидан охират рағбатига.
5. Кибрдан тавозега.
6. Ёмон ниятдан самимиятга.

هدوء الشوارع عند صلاة الفجر وزحمتها عند
الدوامات تحكي لنا قصة حب الدنيا، ونسيان
الآخرة.

اللهم: لا تجعل الدنيا، أكبر همنا!

3195. Бомдод пайтида кўчалар бўм-бўш, жимжит бўлиб, кейинроқ эса тиқилинч, шовқин-сурон бўлади. Шунинг ўзи дунёга берилиб, охиратни унутганлар қанчалик кўплигини билдирмайдими?

Бор-йўқ ғам-ташвишимиз дунё бўлиб қолмасин,
Аллоҳим!



3196. Ойнага қараганда нима дейилади?

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ойнага қарасалар, «**Алҳамду лиллааҳ. Аллоҳумма, камаа ҳассанта холқий, фаҳассин хулуқий**» (Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳим, жисмимни гўзал қилганингдек, хулқимни ҳам гўзал қилгин) дер эдилар.

Ибн Сунний ривояти

"ومن يعمل سوءاً أو يظلم نفسه ثم يستغفر
الله يجد الله غفوراً رحيماً"
مهما اسودَّ ماضيكَ ، بالاستغفار تُشرق
الروح من جديد، 🌹

3197. «Ким ёмонлик қилиб ёки ўзига зулм қилиб, сўнг Аллоҳга истиғфор айтса, Аллоҳнинг мағфиратли, раҳмли Зотлигини кўради» (Нисо сураси, 110-оят).

Ўтмишинг ҳар қанча қора бўлмасин, истиғфор туфайли руҳиятинг янгидан порлайди.

الأهم من أن تتقدم بسرعة ، هو
أن تتقدم في الإتجاه الصحيح .

الحكمة والعلم

3198. Тез эмас, тўғри юриш муҳимроқ.



3199. Солиҳ Димашқий ўғлига шундай дедилар: «Болажоним! Ўтган бир кеча-кундузда дининг, жонинг, молинг ва аҳли-аёлинг омон бўлса, Аллоҳ таолога шукрни кўпайтир! Ахир қанчадан-қанча динидан маҳрум қилинган, мол-мулки талон-тарож қилинган, айби ошқор қилинган, бели синдирилган одамлар бор, сен эса офиятдасан».



3200. Исломда инсоннинг қадр-қиммати унинг ҳаётдаги саъй-ҳаракатига боғлиқдир.

«Ва инсон учун фақат ўзи қилган ҳаракатигина бўлур» (яъни бировнинг яхши амалидан унга фойда етмас, *Нажм сураси, 39-оят*).

Демак, кадр-қимматинг амалинг ва ҳатти ҳаракатингга боғлиқ.

«Унинг қилган саъй-ҳаракати эса яқинда (Қиёмат Кунисида) кўринур» (*Нажм сураси, 40-оят*).

Демак, Аллоҳнинг сенга назар қилиши амалинг ва саъй-ҳаракатингга боғлиқ.

«Сўнгра у (ўша саъй-ҳаракати учун) тўла-тўқис жазо-мукофот олур» (*Нажм сураси, 41-оят*).

Демак, савоб ва Аллоҳнинг розилиги ҳаётдаги саъй-ҳаракатингга боғлиқ.



3201. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўзгуга юзлансалар, «**Алҳамду лиллааҳиллазий савва холқий фаъаддалаҳу, ва каррома сурога важҳий фаҳассанаҳаа ва жаъаланий минал муслимийн**» (Мени мутаносиб яратган, кўринишимни мукаррам ва чиройли қилган ҳамда мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин) дер эдилар.

Ибн Сунний ривоятлари.

Қон олдириганда айтиладиган зикрлар

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким қон олдираётган пайтда «Оятул курси»ни ўқиса, олдираётган қони манфаатли бўлади**», дедилар.

Ибн Сунний ривоятлари.



3202. Ибн Абдулбирр роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

«Мусибат, кулфат ва касалликлар гуноҳларга каффоратдир. Бу – ҳамма иттифоқ қилган нарсадир».



3203. Пулларингни қўлга киритишдан олдин ишлатиб қўйма!



3204. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ ҳаром қилган нарсадан иффат қилиш учун уйланган кишига ёрдам бериш Аллоҳнинг ҳаққидир», дедилар.



3205. Фарзандлар беш хил бўлади:

1. Ота-онаси буюрган нарсани қилмайди. Бундай фарзанд ота-онасига оқ бўлиб қолиши мумкин.

2. Ота-онаси буюрган нарсани ёқтирмай қилади. Бундай фарзанд ажру савобга эришмайди.

3. Айтилган ишни қилади, аммо миннат билан, уфф тортиб, овозини баландлатиб қилади. Бундай фарзанд гуноҳга ботади.

4. Буюрилган ишни чин кўнгилдан қилади ва бунинг учун ажр-савоб олади. Аммо бундай фарзандлар камдир.

5. Ота-онаси ҳали айтмай туриб, улар хоҳлаган нарсани қилади. Мана шундай фарзанд ота-онага яхшилик қилганларга ваъда қилган савобларга эришади. Бундай фарзандлар жуда нодир бўлади.

Шу охирги икки хил фарзандларнинг умри ва ризқи баракотли, қалби шод бўлади, ишлари доим ўнгидан келади. Мана шу Аллоҳнинг фазли бўлиб, Аллоҳ уни хоҳлаганига беради. Аллоҳ буюк фазл соҳибидир.

Аллоҳим! Барчамизни ана шундай фарзандлар қаторида қилгин!



3206. Қулоқ шанғиллаганда нима дейилади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг озод қилган қуллари Абу Рофеъдан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кимнинг қулоғи шанғилласа, мени эсласин ва менга саловот айтиб, «Закароллоҳу бихойрин ман закароний» (Мени эслаган кишини Аллоҳ яхшилик билан эсласин) десин»,** дедилар.

Ибн Сунний ривоятлари.

Оёқ увишганда нима дейилади:

Ҳайсам ибн Ҳинш розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхунинг ҳузурида эдик. Бир пайт унинг оёқлари увишиб қолди. Шунда бир киши: «Сизга маҳбуб бўлган инсонни эсланг», деди. У: «Эй Муҳаммад соллаллоҳу

алайҳи васаллам», деб эслаган эди, оёқларини увишгани ўтиб кетди».

Ибн Сунний ривоятлари.

Мужоҳид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг ҳузурида бир кишининг оёғи увишиб қолди. Шунда Ибн Аббос унга «Ўзинг яхши кўрган одамингни эсла», деган эди, у: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам», деди. Шунда оёғининг увишгани кетди».

Ибн Сунний ривоятлари.



3207. Аллоҳ таоло қазои қадарга битиб қўйган нарса амалга ошганда «Кошки шу бўлмаса эди»,

дегандан кўра ёниб турган чўғни совугунича чайнаганим яхши».

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу



3208. Илми оз бўлса ҳам, Аллоҳдан кўрқадиган одам фақиҳдир.

Илми кўп бўлса ҳам, Аллоҳга осийлик қиладиган кимса жоҳилдир.

«Ал-Бидоя ван-Ниҳоя» китобидан



3209. Ким Аллоҳнинг бир неъматини кўриб, «Алҳамду лиллааҳиллазий би ниъматихи татиммус-солиҳаат» (Неъматини билан эзгуликни мукаммал қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин) деса, Аллоҳ уни беҳожат қилиб, мўл-кўл қилиб қўяди.

Ҳасан Басрий



3210. Аллоҳ таолога тавба қилувчи ёш йигитдан яхшироқ нарса йўқ. Аллоҳ фаришталарига тавба қилаётган йигитни кўрсатиб, «Бандамга қаранглар, у Мени деб шаҳватини тарк қилди», деб фахрланади.



3211. Мункар нарсани кетказишга киришилганда нима дейилади?

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фатҳ куни Маккага кирганларида, Каъбанинг атрофида 360 та бут бор эди. Уларни қўлларидаги новда билан уриб, шундай дедилар: **«Жаа‘ал ҳаққу ва заҳақол баатил! Иннал баатила каана заҳууқо! Жаа‘ал ҳаққу ва маа йубди‘ул баатилу ва маа йуъийд»** (Ҳақ келди, ботил йўқ бўлди. Албатта, ботил йўқ бўлувчидир. Ҳақ келди. Энди ботил қайтиб келмайди).

Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.

Уятсиз гап айтган одам нима дейиши керак?

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тилим уятсиз сўзлар айтишидан шикоят қилсам, у зот: **«Истиғфор айтмайсанми? Мен ҳар куни**

Аллоҳ азза ва жаллага юз марта истиғфор айтаман», дедилар.


Ибн Можса ва Ибн Суннийлар ривояти.

Улов қоқилиб кетганда нима дейилади?

Машхур тобеъин Абу Мулайх айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларига мингашиб кетаётган эдим, у зот миниб олган улов қоқилиб кетди. Шунда мен: «Шайтон бизни қоқилтирди», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ундай дема. Бундай десанг, у ўзини улуғ санаб, уйдек катталашиб, «Менинг қувватим билан бўлди», дейди. Сен «Бисмиллаах», дегин. Шундай десанг, у чивиндек кичрайиб кетади», дедилар.

Абу Довуд ривоятлари.



3212. Гуноҳ ва маъсиятнинг асорати:

Солиҳ салафлардан бири шундай деган экан: «Аллоҳнинг наздида бирор гуноҳ қилсам, унинг

асоратини хотиним ёки уловимнинг хулқида кўрар эдим».



د أحمد عيسى المعصراوي

قال عمر بن الخطاب رضي الله عنه:

لا يحل لامرئ مسلم يسمع من أخيه كلمة
يظن بها سوءا وهو يجد لها شيء من
الخير مخرجا.

3213. «Мусулмон одам биродаридан бир гапни эшитиб, уни яхшиликка йўйиши мумкин бўлса ҳам ёмон гумон қилиши ҳалол эмас».

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу



3214. Энг гўзал ниҳоя

3216. Яхшилик қилган одмни дуо қилиш ва буни яхшиликка йўйиш

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатга чиқдилар. Мен у зотнинг таҳоратлари учун сув олиб бориб қўйдим. У зот чиқиб, **«Буни ким қўйди?»** дедилар. «Ибн Аббос», дейишган эди, **«Аллоҳумма фаққиҳху»** (Аллоҳим, уни фақиҳ қилгин), дедилар».

Имом Муслим ривояти

Имом Бухорийнинг ривоятида **«Фаққиҳху фид дийни»** (Уни динда фақиҳ қилгин) деб қўшимча қилинган.

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир мўъжизалари ҳақидаги узун ҳадисда шундай дейилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ярим тунда уловда кетаётган эдилар. Мен ёнларида эдим. У зотни мудроқ босиб, уловларидан оға бошладилар. Мен у зотни уйғотмай, ўринларига маҳкамлаб қўйдим, уловларига яхшилаб ўрнашиб олдилар. Туннинг анча қисми ўтгач, кета туриб яна уловларидан оға бошладилар. Мен ҳам яна у зотни уйғотмай, маҳкамлаб қўйдим. Уловларида мўътадил жойлашдилар. Тонгга яқин аввалгидан ҳам қаттиқроқ оғиб, йиқилиб кетай дедилар. Дарҳол бориб, яна маҳкамлаб қўйдим. Шу пайт у зот бошларини кўтариб, **«Ким бу?»** дедилар. «Абу Қатода», дедим. **«Қачондан бери ёнимда кетяпсан?»** дедилар. «Тунни билан сиз билан кетяпман», дедим. У зот:

«Сен Аллоҳнинг Набийсини ҳимоя қилибсан, Аллоҳ сени ҳимоя қилсин», дедилар».

Имом Муслим ривояти



3217. Силаи раҳмнинг савоби шу дунёнинг ўзидаёқ тезда берилади.

Аллоҳга қилган итоатимнинг бирортасида савоби силаи раҳмчалик тез берилмаган.

Ҳеч нарсанинг жазоси жабр-зулм ва силаи раҳми узишнинг жазосичалик тез келмаган.

Байҳақий



3218. Исроф мусулмонларни батамом хонавайрон қилувчи иллатдир.

Биринчидан, исроф бизни Аллоҳнинг муҳаббатидан маҳрум қилади:

1. **«Исроф қилманглар, чунки У Зот исроф қилгувчиларни суймас»** (*Анъом сураси, 141-оят*).

2. **«Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар. У Зот исроф қилувчиларни суймас»** (*Аъроф сураси, 31-оят*).

Иккинчидан, исроф Аллоҳнинг лаънатига учраган Фиръавннинг сифатларидандир:

3. **«Фиръавн ер юзида баланд кетган эди. У исрофчилардан эди»** (*Юнус сураси, 83-оят*).

Учинчидан, исроф (баъзи) умматларнинг ҳалокатига сабаб бўлган:


4. **«Уларга ҳамда Ўзимиз хоҳлаганларга нажот бердик, аммо исрофчиларни ҳалок қилдик»** (*Анбиё сураси, 9-оят*)

Тўртинчидан, исрофчилар дўзах аҳлидандир. Аллоҳ сизу бизга бу мудҳиш макондан паноҳ берсин:

5. **«Исрофчилар – дўзах эгаларидир»** (*Ғофир сураси, 43-оят*).

Бешинчидан, Аллоҳ Қуръонда мусулмонларга исрофчиларга итоат қилишни ҳаром қилган:

6. **«Ер юзида исрофчилик қиладиганларнинг ишига итоат қилманглар»** (*Шуъаро сураси, 151-оят*).



3219. Одамлар билан муомала қилишнинг тамойиллари қандай?

– Одамлар сенга қандай муомала қилишини истасанг, ўзинг ҳам улага шундай муомала қил.

– Ҳеч кимни алдама!

– Ҳеч кимга кўзбўямачилик қилма!

– Ҳеч кимнинг қалбини синдирма!



د أحمد عيسى المعصراوي

صدأ القلب بأمرين :

بالغفلة .. والذنب

وجلاؤه بشيئين :

بالإستغفار .. والذكر

الوابل الصيب

3220. Қалб икки нарса туфайли занглайди:

1. Гафлат.

2. Гуноҳ.

Унинг зангини икки нарса кетказади:


1. Истиғфор.
2. Зикр.



3221. Усома ибн Зайд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Кимга яхшилик қилишса, ўша одамга «Жазаакаллоху хойрон» (Аллоҳ сени яхшилик билан мукофотласин) деса, энг етук мақтов қилибди**», дедилар.

Термизий ривояти



3222. Исломдаги энг буюк дарс – ахлоқдир. Агар ахлоқли мусулмон бўлмасанг, унда Исломдан нимани ўргандинг?!




3223. Бир ҳаким зотдан: «Ҳикмат сохиби деган шарафга қандай эришдингиз?» деб сўрашди. У зот: «Рост гапириш, омонатдорлик ва бефойда нарсани тарк қилиш билан», деди.



3224. Ҳадисда: «**Ким Ашуро куни аҳли ва фарзандларига** (таом ва ҳадяларни тортиқ этишда) **кенгчилик қилса, Аллоҳ ҳам йилнинг бошқа кунларида унга (ризқида) кенгчилик қилиб қўяди**», деб айтилган.

Имом Байҳақий ва бошқалар ривояти

Изоҳ: Кимки Аллоҳ розилигини истаб муҳаррам ойининг ўнинчи куни аҳли ва фарзандларига нафақа ва рўзғорда очик қўл бўлса, йилнинг ҳар бир кунида ўзининг ҳам ризқи кенг бўлиши умид қилинади.



3225. Бир солиҳ зотдан: «Нима учун масжидга азондан олдин борасиз?» деб сўрашди. У зот: «Азон ғофилларни огоҳ қилиш учундир. Мен ўша ғофиллардан бўлиб қолмаслик учун азондан олдин бораман», деди.



3226. Абдуллоҳ ибн Абу Рабиъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менадан қирқ минг қарз сўрадилар. Кейин уни менга қайтариб, «Баароқаллоҳу фий аҳлика ва маалик» (Аллоҳ аҳлингга ва молингга барака берсин), дедилар. Салафлар қарз олишса, қарзни адо этиш ва мақташ билан жавоб қайтарар эдилар».

Насайй, Ибн Можжа ва Ибн Суннийлар ривояти

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Замзам олдига келганларида саҳобалар ундан ичиб, ўша ерда ишлашаётган эди. Шунда у зот: «Ишлайверинглар, чунки сизлар солиҳ амал қиляпсизлар», дедилар.

Имом Бухорий ривояти

Ҳадя олувчининг ҳадя бергани дуо қилиши маҳбублиги

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қўй ҳадя қилинди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хизматкор аёлга уни тақсимлашни буюрдилар. Одатимга кўра, хизматкор қайтгач, «Келганлар нима дейишди?» деб сўрадим. Хизматкор: «Баароқаллоҳу фийкум (Аллоҳ сизларга баракот берсин), дейишди», деди. Мен: «Ва фийҳим баароқаллоҳ (Уларга ҳам Аллоҳ баракот берсин), дедим. Улар нима дейишса, биз ҳам шундай жавоб қайтарамиз. Бизга бундан ажр қолади».

Ибн Сунний ривояти



3227. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дунёда фақат бало-офат ва фитна қолди, холос», дедилар.

Имом Аҳмад ва Ибн Можса ривояти.



3228. Солаатун наария

«Аллоҳумма, солли солаатан каамилатан ва саллим салааман таамма Ъалаа саййидинаа Муҳаммадин аллазий танҳаллу бихил Ъуқод, ва танфариху бихил куруб, ва тукзоо бихил ҳавааиҷ, ва тунаалу бихир-роғооиб, ва хуснул ховаатийми ва йустасқол-ғомаам, би важҳихил карийм ва Ъалаа аалиҳи ва соҳбиҳи ва саллим».

«Аллоҳим! Саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга мукаммал, тўлиқ салавот ва саломлар бўлсин. Аллоҳнинг фазли ва марҳамати билан, ўша салавот сабабли жумбоқлар ечилур, машаққатлар барҳам топур, ҳожатлар бароридан келур, рағбат қилинган нарсалар қўлга киритилур, яхши хотимага эришилур ҳамда булутлардан ёмғир ёғур. У зотнинг оилаларига ва саҳобаларига ҳам салавоту саломлар бўлсин».

Изоҳ: Уламоларнинг тажрибаларига кўра, ушбу салавотни яхши бир нарсани ният қилиб 4444 марта ўқилса, Аллоҳнинг изни билан мақсад ҳосил бўлиши умид қилинади.


Бизнинг юртларда бу салавотни кўпроқ бошга мусибат тушганда ўқиш йўлга қўйилган.

Наария – ёндирувчи олов деганидир. Салавотнинг бундай номланишига сабаб шуки, у ғам ва муаммоларни тезлик билан куйдириб ташлайди.



3229. Аллоҳ таоло Қиёмат куни мўминларни фазли ва марҳамати билан ҳисоб-китоб қилади. Кофирларни эса ҳужжат ва адли билан азоблайди.

Ҳасан Басрий



3230. «Сехргарлар саждага йиқилиб,
«Оламларнинг Роббига, Мусо ва Ҳоруннинг
Роббига иймон келтирдик», дейишди» (Аъроф
сураси, 120-оят)

Эътибор беринг, сеҳргарлар биргина сажда билан
зулумотли тарихларини ўзгартириб юборишди.

Аллоҳим! Бизларни Сенга сажда қилувчи, Сенга
ибодат қилувчи, Сенга ибодат қилувчи, Сенга шукр
ва хушуъ қилувчилар қаторида қилгин!





3231. Азиятни кетказган кишига нима дейилади:

Саид ибн Мусаййиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Абу Аюб ал-Ансорий розияллоху анҳу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг соқолларидан азият берувчи бир нарсани олиб ташлади. Шунда у зот соллаллоху алайҳи васаллам: **«Масаҳаллоху ъанка, йаа Абаа Айюб, маа такроху»** (Эй Абу Аюб, Аллоҳ сендан ҳам ёмон кўрган нарсангни олиб ташласин), дедилар.


Ибн Сунний ривояти

Саъддан қилинган бошқа бир ривоятда айтилишича, Абу Айюб розияллоху анҳу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан бир нарсани олиб ташлади. Шунда у зот соллаллоху алайҳи васаллам: **«Лаа йакун бикас-суу’у, йаа Аба Айюб, лаа йукун бикас-суу’у»** (Сенга ҳам ёмонлик бўлмасин, эй Абу Аюб, сенга ҳам ёмонлик бўлмасин), дедилар.

Абдуллоҳ ибн Бакр ал-Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Умар розияллоҳу анҳу бир кишининг соқолидан (ёки бошидан) бир нарсани олиб ташлаган эдилар, у киши: «Аллоҳ сиздан ёмонликни кетказсин», деди. Шунда Умар розияллоҳу анҳу: «Мусулмон бўлганимиздан бери биздан ёмонлик кетказилган. Лекин сендан бирор нарса олиб ташланса, **«Ахозат йадаака хойро»** (Қўлинг яхшилиқни олсин), дегин», дедилар.

Ибн Сунний ривояти



3232. Сабр қилганингдан кейин ғам-алам аччиқларини унутишинг учун сени яхши бир нарса кутиб турганига чин кўнгилдан ишонгин.

Бу Роббимнинг ваъдасидир!

«Сабрлиларга хушхабар беринг!» (Бақара сураси, 155-оят)



3233. Кўз ёши ўн хилдир:


1. Улуғ кўз ёши. Бу ғалаба кўз ёшидир.
 2. Ўзини оклаш кўз ёши. Бу болалар кўз ёшидир.
 3. Таъсирли кўз ёши. Бу тавба қилувчининг кўз ёшларидир.
 4. Нозик кўз ёши. Бу аёлларнинг кўз ёшидир.
 5. Гўзал кўз ёши. Бу вафодорнинг кўз ёшидир.
 6. Ғам кўз ёши. Бу азадорнинг кўз ёшидир.
 7. Бахтиёр кўз ёши. Бу муваффақият қозонган кишининг кўз ёшидир.
 8. Шафқатсиз кўз ёши. Бу ғам-алам ортидан келган кўз ёшидир.
 9. Ифода қилувчи кўз ёши. Бу надомат қилган кишининг кўз ёшидир.
 10. Алдов йиғисидаги кўз ёши. Бу ёлғончининг кўз ёшидир.
- Лекин борлиқдаги энг ажойиб, гўзал ва лаззатли ёш – Аллоҳдан қўрқиб йиғлагандаги кўз ёшидир.



3234. Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, ўртада бир маҳрам бўлмай туриб бегона аёл билан холи қолмасин**», дедилар.

Табароний ривояти.



3235. Бир киши сени юзингга мақтаса нима дейсан?

Баъзи солиҳ салафлар: «Бир одам бир кишини ўзига мақтаса, «Аллоҳуммағфирлий маа лаа йаъламууна ва лаа туаахизний би маа йақуулууна важъалний хойрон миммаа йазуннуун» (Аллоҳим! Улар билмайдиган нарсаларимни кечир, улар айтган нарса билан мени тутма, менга улар гумон қилган нарсанинг яхшисини насиб қил) десин», дейишган.



3236. Меванинг илк ҳосилини кўрганда нима дейилади?

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Одамлар илк мевани кўришса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб келишарди. У зот уни олиб, «Аллоҳумма, баарик ланаа фий самаринаа, ва баарик ланаа фий мадийнатинаяа, ва баарик ланаа фий соъинаа ва баарик ланаа фий муддинаа» (Аллоҳим, меваларимизга барака бергин. Шаҳримизга барака бергин. Соъ ва мудд ўлчовларимизга – тошу тарозимизга барака бергин)

деб, сўнг энг кичик болани чақириб, ўша мевани унга берар эдилар.

Имом Муслим ривояти

Бошқа ривоятларда «**Барока маъа барака**» (*Барака устига барака бер*) деб, мевани ўша ердаги энг ёш болага берардилар.

Термизийнинг ривоятида эса кўринган энг кичик болага берардилар, дейилган.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга илк ҳосил олиб келинса, уни кўзларига, сўнгра лабларига қўйиб, «**Аллоҳумма, камаа аройтанаа аввалаҳу фа аринаа аахироҳу**» (*Аллоҳим, аввалини кўрсатдинг, охирини ҳам кўрсатгин*) деб, сўнг уни ҳузурларидаги бирорта гўдакка бериб юборар эдилар.

Ибн Сунний ривояти




3237. Бир киши Умар розияллоҳу анҳуга: «Модомики орамизда экансиз, яхшилиқдамиз», деди.

Умар розияллоху анху: «Модомики Аллоҳдан кўрқиб, тақвода эканмиз, яхшилиқдамиз», дедилар.



3238. «Ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ берур» (Талоқ сураси, 3-оят).

Бир ҳаким зотдан: «Бир одамни бир уйга қамаб қўйсак, унинг ризқи қаердан келади?» деб сўрашди. У зот: «Ажали келган томондан», деди.



3239. Яхё ибн Муоз: «Одам вафот этганда унинг икки мусибати бўлади, аммо уни аввалгилар ҳам,

кейингилар ҳам эшитмайди», деди. «У икки мусибат нима?» дейишди. У: «Унинг мол-мулки тортиб олинади ва шу хусусида сўроқ-савол қилинади», деди.




3240. Бу ишни қила олмайсан деганларнинг кўпчилиги ўша ишни қилишингдан қўрқадиганлардир.



3241. Тамакининг «фойда»лари

- Кашандалар қаримайди. Ёш ўлиб кетади.
- Кашандалар доим янги таниш орттиради, чунки ҳар куни янги доктор билан учрашади.
- Кашанданинг уйига ўғри кирмайди, чунки у туни билан йўталиб чиқади.
- Кашандани ҳеч ким зиёрат қилмайди, чунки ундан қўланса ҳид бурқсиб туради.



3242. Замон бир хилда турмайди. Гоҳ камбағаллик, гоҳ бойлик, гоҳ иззат, гоҳ хорлик келиб туради.

Ҳақиқий бахт – Аллоҳдан тақво қилишдир.



3243. Неъматларга ғарқ бўлиб яшаш охират истовчиларга тўғанокдир.



3244. Уламоларнинг хотирани кучайтириш тажрибаларидан:

Қирқ бир кун мобайнида ҳар куни тонгда Аъла сурасининг олтинчи оятини – «Санукри`ука фа лаа

тансаа иллаа маа шаа Аллоҳ» (Биз сизга қироат қилдирамиз ва сиз Аллоҳ Ўзи (унутишингизни) хоҳлаган оятлардан бошқасини унутмассиз) оятини етти марта ўқиш.



3245. Солиҳлардан бири: «Сабрнинг энг кучлиси нафсни гуноҳ ва маъсиятлардан тўсиб туришдир», деган экан.



د أحمد عيسى المعصراوي

يسأل كثيرا، كيف أقترب من
الله؟
والجواب في كلمتين: وَاسْجُدْ
وَاقْتَرِبْ

3246. Кўпчилик: «Қандай қилиб Аллоҳга яқинлашсам бўлади?» деб сўраб қолади. Бунинг жавоби икки сўзда мужассам: «Сажда қил ва яқин бўл!» (Алақ сураси, 19-оят)



3247. Имом Ҳасан Басрий роҳимахуллоҳ шундай деганлар: «Сахийликка қарасам, танасида ҳам, шохида ҳам Аллоҳ таолога нисбатан яхши гумон бор экан. Бахилликка қарасам, танасида ҳам, шохида ҳам Аллоҳ таолога нисбатан ёмон гумон бор экан».



3248. Қаноат – йўқ нарсага рағбат қилмай, боридан беҳожат бўлишдир.



3249. Билмайдиганлар жим турса, одамлар орасида келишмовчиликлар бўлмас эди.

Муҳаммад Ғаззолий



3250. Илмни ўргат, лекин ўзингни илмли қилиб кўрсатма!



3251. Ажойиб сўзлардан:

Кўп гапирсанг хатоларинг ҳам кўпаяди, лекин Аллоҳнинг зикрида ундай эмас. Аллоҳнинг зикри ҳар қанча кўпайса, хатоларинг йўқолади.

Бу ҳақда хотиржам фикр юритинг.

Сўз оқими кўпайган асно

Кўпайгуси хатолар шакли.

Фақатгина бундан мустасно

Тиловату Аллоҳнинг зикри...



3252. Намозга қандай ошиқ бўламиз?

– Намоздан олдин, азон эшитганимизда осмонлару ернинг эгаси бизни Ўзи билан мулоқотга чақираётгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмизми?

– Таҳорат қилаётганда, подшоҳларнинг подшоҳи билан юзма-юз туришга тайёргарлик қилаётганимизни ўйлаб кўрганмизми?

– Намозни бошлаётиб, такбири таҳримани айтганимизда эшитувчи, билувчи Зот – Роббимиз билан роз айта бошлаганимизни ўйлаб кўрганмизми?

– Намозда Фотиҳа сурасини ўқиётганда Холиқимиз билан хос суҳбатда эканимизни ўйлаб кўрганмизми?

– Намоздаги ҳаракатларда, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган, минглаб йиллардан бери рукуъ ва сажда қилаётган фаришталар ҳақида ўйлаб кўрганмизми?

– Сажда қилганимизда энг улкан ва гўзал маконда эканимизни, инсон саждада Роббига энг яқин туришини ўйлаб кўрганмизми?

– Намоз охирида салом берганда Аллоҳ билан кейинги учрашувга интизор бўлиб, завқу-шавқдан куйиб-ёнганмизми?



3253. Бировнинг хатосини қидиришдан олдин ўз хатоларингни қидир.



3254. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам форда Абу Бакрга: «Аллоҳ биз билан!» деганлар.

– Юнус алайҳиссалом балиқнинг қорнида: «Ўзингдан бошқа илоҳ йўқ!» деганлар.

– Юсуф алайҳиссалом зиндонда: «Аллоҳга бирор нарсани шерик қилишимиз мумкин эмас!» деганлар.

– Асҳобул Каҳф ғорда: «Ундан ўзгани ҳаргиз илоҳ деб дуо қилмаймиз», дейишган.

Эътибор беринг! Тавҳид билан, Аллоҳни якка деб билиш билан маконлар ҳам кенгайиб кетур!



3255. Аллоҳ бандага ато қилган нарсанинг энг чўққиси бахт-саодат эмас. Бахт-саодат вақтинча берилган, йўқ бўлиб кетувчи бир ҳис-туйғу, холос.

Аллоҳ ато қилган нарсанинг энг чўққиси – розилик ҳиссидир. Бу – қазои-қадарнинг яхши-ёмонига ҳамда ризқ тақсимотига розилиқдир.



3256. Шайх Али Тантовий айтадилар:

Севган кишинг бу дунё билан хайрлашгач, устидан тупроқ тортганинда дунёнинг арзимаслигини, ўткинчилигини, боқийлик фақат Аллоҳнинг Ўзига хос эканини тушунасан.

Барча марҳумларимизга Аллоҳ раҳм қилсин!

Аниқ ишонч билан англаймизки, ўлганиндан кейин мутлақо ортга қайтмайсан. Шундай экан, ўзингга Қуръондан кундалик вазифа қилиб ол. Ҳар қандай ҳолатда ҳам уни тарк қилма!

Ундан ташқари «Субҳааналлоҳ», «Астағфируллоҳал ʼазийм ва атуубу илайҳ», «Лаа илаҳа иллаллоҳ» каби, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот каби зикрларни ўзингга кундалик вазифа қилиб ол. Ўзингга, ота-онангга, зурриётинг ва дўстларинг ҳаққига дуо қил!

Ҳали кўрасан, мана шу қироатинг, зикр ва дуоларинг охиратингни обод қилиб, нафсингни шод

айлайди. Ўша кунда катта сармойни қўлга киритганингни англайсан.

Ёдингда тут! Жаннат аҳли ҳеч нарсага Аллоҳнинг зикрисиз ўтказган вақтларига надомат қилганчалик афсусланмайди.

Шундай экан, «Субҳааналлоҳ», «Алҳамдулиллааҳ», «Лаа илаҳа иллаллоҳ», «Аллоҳу акбар» зикрларини кўп айтиб юр!



3257. Момақалдироқ овозини эшитганда нима дейилади?

«Субҳааналазий йусаббихур-роъду бихамдиҳи вал малааикату мин хийфатиҳи» (Аллоҳни поклаб ёд этаман. Момақалдироқ ҳам Аллоҳгани ҳамди билан поклаб ёд этяпти. Фаришталар ҳам Ундан қўрқиб тасбиҳ айтади) дейилади.

Имом Молик «Муваттоъ» китобида ривоят қилганлар.

Шамол бўлганда нима дейилади?

«Аллоҳумма, инний ас`алука хойроҳаа ва аъуузу бика мин шарриҳаа» (Аллоҳим, Сендан унинг яхшилигини сўрайман, ёмонлигидан паноҳ тилайман) дейилади.

Абу Довуд ва Ибн Можса ривояти

Ёмғир ёққанда нима дейилади?

«Аллоҳумма, соййибан наафиъан» (Аллоҳим, уни манфаатли ёмғир қилгин) дейилади.

Имом Бухорий ривояти

Ёмғир ёғиб бўлганидан кейинги нима дейилади?

«Мутирнаа би фазлиллааҳи ва роҳматих» (Аллоҳнинг фазли ва марҳамати билан ёмғирландик)

Имом Бухорий ривояти



3258. Яҳё ибн Муоздан: «Қайси одам қатъий қарор қилишга энг лойиқ?» деб сўрашди. У: «Ҳавои нафсига ғолиб кела оладиган одам», деди.

السوئي والنا مستيقظين في انتظار وعواننا

3259. Мархумлар бизнинг дуоларимизни кутиб,
мудом уйғоқдир.



3260. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кумуш идишдан ичган киши қорнида жаҳаннам оловини қулқуллатади», дедилар».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти



3261. (Эй Мусо, барчага суюкли бўлишинг) **ва Менинг ҳифзу ҳимоямда униб-ўсишинг учун Мен сенинг устингга Ўз томонидан бир муҳаббат ташладим (яъни кўрган киши суйиб қоладиган ёқимтой бола қилдим, Тоҳа сураси, 39-оят)**

Аллоҳ таоло бу сўзларни Мусо алайҳиссаломга хувиллаб қолган саҳрода, совуқ кечада айтди.

Оғир, қийин ҳолатга тушиб қолсанг, Аллоҳ мени севмас экан демагин!



3262. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Хожатлар бароридан келиши учун уни яшириш билан ёрдам сўранглар, чунки ҳар бир неъмат соҳибига ҳасад қилувчилар бор», дедилар.

Табароний *ривояти*.

Изоҳ: Хайрли бир ишни бошласак, охирига етмагунча овоза қилмаслик керак экан. Чунки ҳасад қилувчиларнинг ҳасади сабабли хайрли ишлар амалга ошмай қолиши мумкин экан.



3263. Ўқиган нарсасини тафаккур қилмаслик ҳазм бўлмайдиган овқат ейиш кабидир.



د أحمد عيسى المعصراوي

والله إن المسألة تُغلق في وجهي،
فأستغفر الله ألف مرة فتفتح لي. ثق بأن
الإستغفار يفتح لك أبواب الخير والنجاح
والفلاح.

3264. Аллоҳга қасам, бир масаланинг ечими боши берк кўчага кириб қолса, Аллоҳ учун мингта истиғфор айтаман. Шунда эшик очилади.

Аниқ ишонгинки, истиғфор яхшилик, муваффақият ва нажот эшикларини очади!

«Астағфируллоҳалъазийм ва атуубу илайҳ».



3265. Қалб мусаффо бўлса, фикр соф бўлади.
– Фикр мусаффо бўлса, руҳ гўзал бўлади.
– Руҳнинг гўзаллиги ахлоқ ва муомалага таъсир қилади.

Шундай экан, покланишни қалбдан бошлайлик!



3266. Робиъ ибн Хусаймнинг отини ўғирлаб кетишди. Ҳамроҳлари: «Ўғрини Аллоҳга дуоибад қил», дейишган эди, «Йўқ, Аллоҳга унинг ҳаққига дуо қиламан», деб, қуйидаги дуони ўқиди:

«Аллоҳумма, ин каана ғонийян, фаақбил биқолбих, ва ин каана фақийрон, фаағниҳи»
(Аллоҳим, агар у бой бўлса, қалбини тўғрила, агар камбағал бўлса, беҳожат қил).




3267. Ҳасан Басрий айтдилар:

Уч нарса мусулмоннинг иззатини оширади:

1. Зулм қилган одамни кечириш (агар узр сўраса).
2. Хизмат қилган кишига ҳадя бериш.
3. Алоқани узган қариндошга силаи раҳмни қилиш.



3268. Дунё алдайди, зарар беради ва ўтиб кетади.




3269. Ким мукулмонларнинг обрўсига тил теккизса, мукулмонларнинг тирноғи остидан кир қидирса, ўлим келган пайтда Аллоҳ унинг тилини калимаи шаҳодатдан тўсиб қўяди.



3270. Эҳтиёткорлик маҳмаданаликдан яхшироқ. Чунки эҳтиёткорлик жонни асрайди, маҳмаданалик далилнинг жонини суғуради. Кимки сўзда хаддан ошса, тойилади. Кимки мард кишини кичик санаса, ўзи хор бўлади. Сўз жароҳати қилич жароҳатидан қаттиқроқ.

«Унванул байан» китобидан



3271. Эҳтимол, (ибодатларингни гўзал адо этишинг учун) муносиб шароитинг бўлмас. Аммо бу

тўғри йўлда юрмасликка узр бўла олмайди. Ахир, Фиръавнинг уйдан кўра ёмонроқ муҳит бўлмаган-ку? Ўша хонадондан шундай бир аёл чиққанки, Аллоҳ таоло Қуръони каримда ўша аёлни иймон келтирганлар учун зарбулмасал қилган.

Доктор Иброҳим Фуқий



3272. Али розияллоҳу анҳу айтдилар:

«Кимки бир камбағалнинг қалбига шодлик олиб кирса, Аллоҳ бу шодлик сабабли лутфу карамини яратади. Агар камбағалга яхшилик қилган ўша киши мусибатга дучор бўлса, Аллоҳнинг яратган лутфу карами келиб, ундан мусибатни ҳайдайди».



3273. Ҳар гал янги гуноҳ қилсанг, унинг учун тавбани ҳам янгилагин. Сени яратган Зот лойдан ва ҳақир сувдан яралганингни, заиф, хатокор, ғофил ва унутувчи эканингни яхши билади. Шундай экан, гуноҳдан тўхта, истиғфор айт, афсус-надомат чекиб, синиқ бўл!



3274. Уч тоифа ўзидан бошқаларга хизмат қилади:

1. Овчи ит бировга ўлжани тутиб бериш учун елиб-югуради.

2. Бахил кимса мол-дунёни тўплайди-да, уни бошқаларга беради ёки қолдириб кетади.

3. Ғийбатчи кимса одамларни ғийбат қилади-да, ўз яхшиликларини уларга тақдим қилади.



3275. Таъбингни тирриқ қиладиган нарсага кўзинг тушса, ўзингни кўрликка сол. Сенга зарари етадиган нарсани билиб қолсанг, ўзингни жинниликка сол. Сенга ишонмайдиган кишига насиҳат қилма, йўриғингга юрмайдиган кишига маслаҳат берма. Инсон учун тилни сақлашдан фойдалироқ нарса йўқ. Нодонга сукут қилишинг – унга берилган энг батафсил жавобинг, унга етказган энг аламли азобингдир.

«Унванул байан» китобидан.

هناك من لا يفرق بين
الضعف والتواضع، فالأول
خسة والثاني رفعة
وبينهما فرق كالشعرة

3276. Заифлик билан тавозеънинг фарқини билмайдиганлар бор. Ваҳоланки, бири пасткашлик, бири эса кадри баландликдир. Уларнинг ўртасида қилдек фарқ бор.




3277. Маййитни дафн қилингандан кейинги дуо:
«Аллоҳуммағфир лаҳу, Аллоҳумма саббитҳу»
(Аллоҳим, уни мағфират қил, Аллоҳим, унга сабот бер).

Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам маййитнинг дафн қилиб бўлгач, унинг (қабри) устида туриб:
«Биродарингиз учун истиғфор айтинглар. Унга

сабот сўранглар, чунки ҳозир у сўралади», дер эдилар».

Абу Довуд ривояти.



3278. Садақа ёпиқ ризқ эшикларини очади, беморларга шифо бўлади, ғам-ғуссани бартараф қилади ёки гуноҳни ўчиради. Шундай экан, садақа қилиб қолинг!



3279. Бир киши Ибн Умар розияллоҳу анҳумога мактуб ёзиб, барча илмларни ўзида мужассам қилган нарсани ёзиб беришни сўради. Ибн Умар қуйидаги сўзларни ёзиб, жўнатдилар:

Илмнинг турлари кўп. Лекин қурбинг етса, зиммангда бировнинг қони бўлмасин, қорнингда бировнинг моли бўлмасин, тилинг бировнинг обрўсини тўкмасин, ўзинг эса жамоатни лозим тут!

Қўлингдан келса, Аллоҳга шуларни қилган ҳолда йўлиққин!

*Имом Заҳабийнинг «Сияру аъломин нубало»
китобидан*



3280. Шундай сўзлар борки, ургандан ёмон. Гапни чўзиш айбдир, уни дона-дона қилиб айтиш гўзалликдир. Гапнинг юмшоғи – қалблар тузоғи. Улуғлар суҳбати – гапнинг энг нозиги. Эр кишининг мартабаси – тили остида, юзнинг кўркамлиги – тўғри сўзликдадир. Борингни кўрсат, шу билан таниласан. Ёлғончига эса ҳурмат йўқ.

«Унванул байан» китобидан



3281. Бобомдан: «Замонавий технологиялар, яъни интернет, телефон, уяли алоқа ва электрон ускуналар бўлмаган пайтда қандай яшагансизлар?» деб сўрадим. Бобом: «Сизлар ҳозир муҳаббатсиз, рост сўзсиз, вафосиз ва инсонпарвар бўлмай қандай яшаётган бўлсангиз, бизлар ҳам шундай яшаганмиз», деб жавоб бердилар.

رواية ابن القيم

فوائد من مدارج السالكين

متى كان المال في يدك وليس
في قلبك لم يضرك ولو كثر،
ومتى كان في قلبك ضرر ولو
لم يكن في يديك منه شيء.

3282. Мол-мулкинг қўлингда бор, қалбингда йўқ бўлса, кўп бўлса ҳам зарар бермайди. Аммо мол-мулк қалбингга ўрнашиб қолса, қўлингда ҳеч вақо бўлмаса ҳам зарар беради.



3283. Қабрдаги илк кеча шундай қиссаки, сен ҳам уни ҳеч кимга айтиб бера олмайсан, бошқалар ҳам уни сенга айтиб бера олмайди.

Аллоҳим! Ўша кундаги умидимиз фақат Ўзингни раҳматинг, холос!




3284. Англамасликдан ҳам ёмони хато тушуниб олишдир. Хато тушунишдан ҳам ёмонроғи уни оқлаб, ҳаётга татбиқ қилиш учун далил тўплашдир.



3285. Сенга гап олиб келган одам сендан ҳам гап олиб кетади. Фойдангга гувоҳлик берган одам зараринга ҳам гувоҳлик беради. Фойдангга журъат қилган одам зарарингга ҳам журъат қила олади.

«Унванул байан» китобидан



3286. Ҳаётингни ўзгартира оладиган одамни қидираётган бўлсанг, кўзгуга қара!

عندما عاد اديسون الصغير الى
بيته،
قال لأمه: هذه رسالة من ادارة
المدرسة.
غمرت بريق عينيها الدموع وهي
تقرأ لابنها الصغير فحوى الرسالة،
حيث قرأت له:
"إبنك عبقرى والمدرسة صغيرة
عليه وعلى قدراته، عليك أن
تعلميه بالبيت".

مرت السنوات وتوفت ام اديسون
والذي تحول الى اكبر مخترع
بالتاريخ البشري.

وفي احد الايام وهو يبحث بخزانه
والدته وجد رسالة كان نصها:
" إبنك غيبي جدا. فمن صباح الغد
لن ندخله الى المدرسة "

بكى اديسون لساعات طويلة
وبعدها كتب في دفتر مذكراته:
اديسون كان طفلا غيبيا ولكن
بفضل والدته الرائعة تحول
لعبقرى.


3287. Лампочкани ихтиро қилган Эдисон болалик пайтида уйига қайтиб, «Ойи, мана бу хатни мактабдан бериб юборишди», деб онасига бир конверт узатди. Она хатга тезгина кўз югуртирди, сўнг кўзи жикқа ёшга тўлиб, мактубни жажжи ўғлига ўқиб бера бошлади:

«Хоним! Ўғлингиз жуда иқтидорли. Бироқ, бизнинг мактабимиз унинг қобилияти учун кичиклик қилади. У мустақил таълим ола қолсин!».

Орадан йиллар ўтди. Эдисон инсоният тарихидаги энг улкан ихтироларни қилди. Онаси вафот этгач, Эдисон унинг шкафини титкилаб ўтириб, ўша хатни топиб олди. Не кўз билан кўрсинки, мактубда бутунлай бошқа гаплар ёзилган экан: «Хоним! Ўғлингизнинг ақли паст, эртадан бизнинг мактабга бормасин!»

Эдисон узоқ йиғлади. Анчагача ўзини тўхтата олмади. Ниҳоят, хотиралар дафтарига қуйидаги

сатрларни битди: «Эдисон ғирт калтафаҳм бола эди. Лекин онасининг гўзал хизмати сабабли ноёб талант соҳибига айланди».



3288. Аллоҳ инсонни сув ва лойдан яратди. Баъзиларнинг суви лойидан кўпайиб кетиб, анҳорга айланиб қолди. Баъзиларнинг лойи сувидан кўпайиб кетиб, тошга айланиб қолди.



3289. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу тунни уч қисмга бўлиб, намоз, уйқу ва илм учун ажратардилар.

У киши: «Мен тунни уч қисмга ажратдим. Учдан бирида намоз ўқийман, учдан бирида ухлайман, учдан бирида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини мутолаа қиламан», дер эдилар.



3290. «Замон менга одоб берди,
сабр мени тарбиялади,
сукут менга қаноат бахш этди,
тамасизлик мени бой қилди.

Ўтган кунлардан йиғилган тажриба мени шу даражада мустаҳкам қилдики, менга насиҳат қиладиганлар мендан насиҳат оладиган бўлди».

«Унванул байан» китобидан



3291. Нима учун Аллоҳ таоло бу дунёни сувга ўхшатди?

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, одамларга) дунё ҳаётининг мисолини келтиринг! У Биз осмондан туширган сувга ўхшайди» (Каҳф сураси, 45-оят)

Ҳақимлар айтишади:

– Аллоҳ таоло дунёни сувга ўхшатди. Чунки сув ҳам бир жойда қарор топмайди. Дунё ҳам бир ҳолатда турмайди.

– Сув оқади, бир жойда муқим қолмайди. Дунё ҳам ўткинчидир.

– Сувга тушгач, ҳўл бўлмай илож йўқ. Дунёнинг фитна ва офатларидан ҳам ҳеч ким омонда қолмайди.

– Сув ҳам муайян миқдорда келса, манфаатли бўлади, серҳосилликка сабаб бўлади. Миқдоридан ўтса, зарар ва ҳалокат бўлади. Дунёнинг ҳам етарличи фойда, ортиқчаси зарардир.



3292. Ҳақиқий инсон жисмининг эмас, қалбининг ўлишидан қўрқади.



3293. Биласизми?

XI милодий асрда Оврупа халқларининг орзуси араб тилини ўрганиш бўлган. Олмония, Франса ва Италияда араб тилида яхши гапирадиганлар энг доно ва маданиятли деб эътибор қилинган. Мусулмонлар араб тилига эътибор бергани туфайли у ўша давр цивилизациясининг энг биринчи тили мақомига кўтарилган.



3294. «Аллоҳ Ўз бандаларига лутфлидир»
(Шўро сураси, 19-оят).

Қаршингда барча туйнук ва эшиклар ёпилгач, Аллоҳнинг Ал-Латиф сифатини ҳақиқий маънода ҳис қиласан. Унинг яхшилиги очилиши маҳол бўлган эшикларни очиб юборади.



3295. Тилингни тий! Сенга ажри етадиган насихат ёхуд сен сабаб омма ичра тарқалиши мақтовга муносиб кўрилган етук бир ҳикматли гап

бўлсагина, тилиннга эрк беришинг мумкин. Қўпол сўзлардан сақлан, чунки қўполлик улуғларни сендан қочиради, пасткашларни сенга гиж-гижлайди.

«Унванул байан» китобидан



3296. Ҳасан Басрий айтдилар: «Олим фитна келаётганини олдиндан билади. Жоҳил эса фитна барҳам топганидан кейин билади».



3297. Китоб мутолаа қилган одам комил инсон бўлади.

– Маслаҳат олган одам ҳар нарсага тайёр туради.

– Ёзган одам диққат-эътиборли бўлади.

Ким бу оламда ютуққа эришишни хоҳласа, камбағалликнинг калити бўлмиш олти нарсани енгиб ўтсин:

1. Кўп ухлаш.
2. Ҳаром мол.
3. Қўрқоқлик.
4. Ғазаб.
5. Бировга ишониш.
6. Пайсалга солиш.



3298. Аллоҳнинг қазо ва қадарига рози бўлган қалбга жонсаралик йўл топа олмайди.

– Аллоҳ ато қилган нарсага қаноат қилувчи дилга ҳасад йўл тўпа олмайди.

– Дунё ҳақиқатини билган нафсга ғурур кира олмайди.



3299. Инсонда Аллоҳ таолога таъзим қилиш, Уни ҳурматлаш ҳисси мужассам бўлмаса, бу бўм-бўш

қалб соҳибида Аллоҳ учун Аллоҳнинг бандаларига муҳаббат бўлиши жуда қийин бир ҳолдир. Мабодо яхши кўрса ҳам, манфаати, ҳавои нафси ва шаҳвати учун яхши кўради. Иш чаппасига айланса, муҳаббати нафратга ҳам айланаверади. Шу кунларда бу нарсаларга кўп марта гувоҳ бўлмоқдамиз...



3300. Пишиб етилмаган сўзлардан сақлан. Чунки улар яширин айбларингни юзага чиқаради, тинч турган душманингни ҳаракатга солиб қўяди.


«Унванул байан» китобидан



3301. Голландия спорт марказларидаги мураббийлар бўгин оғриқларининг муолажаси учун кунига 10 дақиқа давомида мана шу уч ҳаракатни машқ қилдиришар экан.

Роббим, Сен поксан! Биз Сенга ҳақиқий ибодат қила олмаяпмиз.

Эй мусулмон! Намознинг шаъни улуг экани ҳақида яна бир тафаккур қил!



3302. Солиҳ кўшни – яхшилик, некбинлик ва неъматдир. Ёмон кўшни – шумлик ва балодир. Шундай экан, ҳовли сотиб олишдан олдин кўшни танлашда адашманг!



3303. Аллоҳ йўлига даъват қилувчи инсон моддий манфаат, сиёсий мақсад ёки бошқа шу каби йўлни тутса, унинг даъвати ҳаргиз қабул қилинмайди. Чунки унинг даъвати қуруқ гапдан иборат бўлиб қолади. Қалби эса орзу қилган мақсадлари устида мушоҳада юритади. Яна Аллоҳ таолонинг динига куйиб-ёниб даъват қилиб, сўзлари одамларга таъсирини ўтказиб, ўзи эса эртага дўзах оловига ўтин бўлиб қолмасин!



3304. Аллоҳ сенга шахватни берибди, аммо оила қуришга имконсизликни тақдир қилибди. Бу ҳақда фикр юритгин. Бундан мақсад – йўлдан оздирувчи нарсалар олдида ўзингни қандай тутишингни синашдир.

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

(Никоҳ учун лозим бўлган мол-давлатни) **топа олмаганлар Аллоҳ уларни Ўз фазлу-карами билан бой-бадавлат қилгунича ўзларини (харомдан, зинодан) пок тутсинлар!** (Нур сураси, 33-оят)



3305. Бир донишманд деди: «Ким сенга насиҳат қилса, у сени уйғотибди. Ким кўзингни очса, у сенга ёрдам берибди. Ким изоҳласа ва очик-ойдин баён этса, самимият кўрсатибди ва зийнатлабди. Ким эҳтиёт ва огоҳ бўлса, хиёнат қилмабди, эътиборсиз бўлмабди».

«Унванул байан» китобидан



3306. Дунё – амал диёридир.
Охират – жазо ва мукофот диёридир.
Ким бу ерда амал қилмаса, у ерда надомат чекади.

Имом Аҳмад



3307. Интилиш – ҳаётингнинг бир неча йилини одамлар масхара қилса ҳам яшаб, сўнгра ҳаётингни қолган қисмини одамларнинг аксари етиша олмайдиган тарзда яшашдир.



3308. Инсон ҳаёт учун тайёргарликсиз ҳолда туғилади. Бироқ, бу хатарли эмас. Ўлим учун тайёргарликсиз ҳолда вафот топади. Мана шуниси хатарлидир.

Хотимамизни гўзал қилгин, Аллоҳим!

أقصر قصة حزينه..

عندما ذهب إلى جهنم لم يجد أصحابه
فقد تابوا جميعاً بعد وفاته..

ماجد زكي .

3309. Энг кичик, энг қайғули қисса
Бир киши жаҳаннамга кириб, у ерда дўстларини
топа олмади. Барча дўслари унинг вафотидан кейин
тавба қилишга улгуришган эди.




3310. Насихат дорига ўхшайди: истеъмоли аччиқ,
оқибати ширин.

«Унванул байан» китобидан



3311. Она боласини тўққиз ой қорнида кўтариб юради. Ота эса уни бутун умр миясида кўтариб юради.



3312. Зикр муҳаббатнинг маҳсулидир, аммо муҳаббат ҳам зикрнинг маҳсулидир. Бири иккинчисини ҳосилга киритади. Муҳаббат зикр суви билан суғориб экилади. Зикрнинг энг афзали – муҳаббатдан пайдо бўлганидир.



3313. Аллоҳ таоло айтади:


«...қайсиларингиз амалда яхшироқ эканини синаш учун...» (Мулк сураси, 2-оят).

Эътибор беринг, «амалда кўпроқ» эмас, «амалда яхшироқ», дейилган. Чунки ибрат оладиган жойи амалнинг кўплиги эмас, ихлоси, сидқидилданлиги, тақво ва солиҳлигидир.



3314. Қурбингиз етганича зикрни тўхтатманг. Чунки Аллоҳни кўп зикр қилиш орқали Қуръоннинг

баъзи сирлари англанади, Аллоҳга тоат қилиш йўллари осонлашади ва яхши хулқ қўлга киритилади.



3315. Сукут сақлашга одатланинг. Шунда фазилатли кўринасиз, билмаслигингиз ёпилиб, оқил саналасиз, қилаётган ишингизда донишмандга айланасиз, ожизлигингиз ҳилм деб эътибор этилади.

«Унванул байан» китобидан



3316. Ўлим келганда унга тайёр бўлмаслик энг аянчли бахтсизликдир.



3317. Байҳақийнинг зикр қилишларича, Ҳорис ал-Муҳосибий: «Илм Аллоҳдан кўрқишни пайдо қилади. Зухд роҳат келтиради. Аллоҳни ҳақиқий таниб, маърифат ҳосил қилиш эса Аллоҳга қайтиш ва Унга талпинишни юзага чиқаради», дедилар.



3318. Фикр юритувчилар учун...

Арзимас яхшиликни ҳам қилаверишга тарғиб қилувчи оят:

«У Кунда ҳар бир жон қилган яхши амалини топади, ёмон амалининг эса ўзидан узокроқда бўлишини истайди. Аллоҳ сизларни Ўз(азоб)идан

огоҳ қилади. Аллоҳ бандаларига меҳрибон
Зотдир» (Оли Имрон сураси, 30-оят)



3319. Тўрт нарса ғазаб ва нафратни келтириб
чиқаради:


1. Кеккайиш ва такаббурлик.
2. Ҳасад.
3. Ёлғон.
4. Чақимчилик.



3320. Болажоним! Илмнинг боши – мулойимлик,
офати – моҳирликдир (чунки кўпинчи зеҳни ўтқир,
дарсни бир уринишда илиб оладиган талаба сабоқни

секин оладиган талабага қараганда унутувчиروқ бўлади). Мусибатларга сабр қилиш иймон хазинасидандир. Тамадан тийилиш камбағалларнинг зийнати, шукр эса бойларнинг зийнатидир.

«Унванул байан» китобидан



3321. Аллоҳнинг муҳаббати билан тўлиқ қалбга ғазаб жойлаша олмайди.

– Ўзининг айби билан машғул бўлган одам махлуқотларни паст санамайди.

– Аллоҳнинг инъом ва эҳсонларига гувоҳ бўлган одамга ноумидлик ўрнаша олмайди.



3322. Араблар мутахассис қорига шогирд тушмай, сураларни мусхафдан ёдлаб олган қорини «мусхафий» дейишади.

Мутахассис олимга шогирд тушмай, китоб, газета ёки интернетдан таълим олган кишини «сухуфий» дейишади.

Демак, ҳақиқий қори бўлиш учун мусхафий бўлмаслик керак. Ҳақиқий олим даражасига чиқиш учун сухуфий бўлмаслик керак.



3323. Тақиқланган нарсага учраб бўлгандан кейин насиҳат қилиш ўлгандан кейин ичилган дорига ўхшайди.



3324. Бировнинг аҳлу оиласини ёмонлашдан олдин бир нарсани эслаб қўй:

Нух алайҳиссаломнинг оқпадар фарзанди бор эди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг мушрик отаси бор эди.

Лут алайҳиссаломнинг кофир хотини бор эди.

Осиёнинг «Мен олий Роббингизман» дейдиган эри бор эди.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг Абу Лаҳаб деган амакилари бор эди.



3325. Насихатни қабул қилиш аввал қораланади, кейин эса унинг оқибати мақталади.

Неъматнинг маҳри шукрдир.

«Унванул байан» китобидан



3326. Кўзни номаҳрамлардан тийишнинг фойдалари:

Кўзни тийиш билан нозик фаҳм кўлга киритилади. Нозик фаҳм ҳақ ва ботилни, рост ва ёлғонни ажрата олади.



3327. Ким дунёда Аллоҳ учун тилини тийса, ўлим келган пайтда Аллоҳ унинг тилини калимаи шаҳодат айтишга муваффақ қилади.



3328. Қуръони каримда зикр қилинган қалблар:

1. Соғлом қалб. Бундай қалб Аллоҳ учун холис ва оғишдан холи бўлади.

2. Мунийб қалб. Бундай қалб доим тавба билан Аллоҳга қайтади.

3. Хавф қилувчи қалб. У доим Аллоҳ таолодан кўрқиб, хавф қилади.

4. Тақводор қалб. У Аллоҳнинг шиорларини эъзозлайди.

5. Тирик қалб. У Аллоҳ таолога иймон келтиради. Унга шукр қилиб, неъматга куфр қилмайди.

6. Касал қалб. Унда шак-шубҳа ёки мунофиқлик бўлади.

7. Кўр қалб. У ҳақни кўрмайди.

8. Гуноҳкор қалб. У ҳақ гувоҳликни яширади.

9. Такаббур қалб. У одамлардан ўзини устун кўради ва ҳақ билан мужодала қилиб, курашади.

10. Қўпол қалб. Ундай қалбдан раҳм-шафқат тортиб олинган бўлади.

11. Қаҳрли қалб. У Аллоҳни танимайди, зикр ҳам қилмайди.

12. Ғофил қалб. У ўз вазифаларидан, ҳаётдаги ибодатларидан ғафлатда қолади.

Қалбларимизни соғлом ва Ўзингга қайтувчи қалблардан қилгин, Аллоҳим!




3329. Аббос розияллоху анхудан: «Сиз каттамисиз ёки Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламми?» деб сўрашди. У: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам катталар, мен эса у зотдан олдин туғилганман», деб жавоб бердилар.



3330. Болажоним! Саломатлик ўн қисм бўлса, тўққизтаси – сукутдир. Фақат Аллоҳнинг зикри бундан мустасно. Яна бири аҳмоқлар мажлисини тарк қилишдир. Ким йиғин-суҳбатларда Аллоҳга итоатсизлик қилса, Аллоҳ унга хорлик беради, ким илм истаса, илм берилади.

«Унванул байан» китобидан



3331. Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳ айтадилар:
«Қиёмат куни одамлар қилган савоб амаллар
намойиш қилинса, Аллоҳ таолонинг зикридан афзал
савоб топилмайди. Шу пайтда бир қавм: «Ахир биз
учун зикрдан енгил нарса йўқ эди-ку?» деб қолади,
чунки бу ибодат таҳорат билан, қиблага юзланиб,
маълум вақтда адо этилмайди. Шунга қарамай, бу
ибодатни адо қилишга озчилик муваффақ бўлади».

Аллоҳ таоло: «Аллоҳни кўп зикр қилувчи
эркаклар ва аёлларга Аллоҳ мағфират ва улуғ
ажр тайёрлаб қўйган» деб марҳамат қилган (*Аҳзоб
сураси, 35-оят*)



د أحمد عيسى المعصراوي

قال ابن حزم رحمه الله :
الأمن والصحة والغنى لا يعرف حقها
إلا من كان خارجا عنها
وليس يعرف حقها من كان فيها .

الأخلاق و السير 28

3332. Ибн Ҳазм роҳимаҳуллоҳ айтадилар:
«Тинчлик-омонлик, соғлик ва беҳожатликнинг
кадрини бундан маҳрум бўлганлар билади. Бу
неъматларнинг ичида юрганлар уни ҳис қилмайди».

في القرآن الكريم شئى مذهب جدا : يسألونك عن الأهلة : قل.
يسألونك عن اليتامى : قل. يسألونك عن المحيض : قل. يسألونك عن
الخمير والميسر : قل.
يسألونك ماذا ينفقون : قل. يسألك الناس عن الساعة : قل.
كل الآيات يأتي بعد السؤال كلمة قل (أي بامحمد) ماعدا آية واحدة
وهي قوله تعالى: " وإذا سألك عبادي عني فإني قريب أجيب دعوة
الداعي إذا دعاني ... " لم يقل : فقل إني قريب ، أي لا وساطة في أمر
الدعاء.

فليدع كل منكم الآن دعوة خالصة من القلب موقنا بالاجابة ..

3333. Қуръони каримдаги ажойиб бир нарсага
эътибор қаратинг:

– Сиздан янги чиққан ой хусусида сўрайдилар,
айтинг....

– Сиздан етимлар ҳақида сўрайдилар, айтинг....

– Сиздан ҳайз кўрган аёллар ҳақида сўрайдилар,
айтинг....

– Сиздан хамр ва қимор ҳақида сўрайдилар,
айтинг....

– Сиздан нимани инфоқ-эҳсон қилишни
сўрайдилар, айтинг....

– Одамлар сиздан қиёмат ҳақида сўрайдилар, айтинг....

Буларнинг барчаси «Айтинг, эй Муҳаммад» деган жумладан олдин келмоқда. Аммо биргина оят борки, унда бу тартиб бошқача:

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалом!) Бандаларим сендан Мен ҳақимда сўрашса, Мен (уларга) яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қилурман» (Бақара сураси, 186-оят).

Аллоҳ таоло дуоларни ижобат қилиши ҳақда хушхабарни етказишни Ҳабибига топширмайди, «Айтинг, дуони ижобат қиламан», демади. Демак, дуода воситачилик йўқ экан. Демак, ҳар биримиз ижобат бўлишига ишонган ҳолда қалбдан холис дуо қилмоғимиз даркор!